



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



Насибаҳон Исмонилова Сурхондарё вилоятининг Гагарин районидаги «Правда» номли давлат хўжалигига дон етиширишдек савоб ишга муносиб ҳиссасини кўшади. Насибаҳон, сизга омад ёр бўлсин.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

● ФАХРИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ
ХАЛК таълими ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси 9 Май арафасида Улуғ Ватан урушида ҳаракамонлик кўрсатган маорифчи фаҳрийларни Чилонзор районидаги «Саодат» кафесига таклиф этди.

Уруш катнашчилари бир пиёла чой устида ўзлари босиб ўтган шонли йўлни, озодлик дей курбон бўлган куролдошларини ёдга олдилар.

Учрашувда фаҳрийлар шафафланди, эсадлик совғалари топширилди. Бу ҳайрли тадбирга дехкончилик саноати мажмун ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси хомийлик килди.

● ДАВЛАТ ТИЛИДА БЎЛСИН
ТОШКЕНТ шаҳар касаба уюшмалари кенгаши пленумида «Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни социал ҳимоялашни таъминлаш юзасидан шаҳар касаба уюшмаси ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала мухокама килинди.

Маърузачи шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси Мирзамавлон Мирпўлатов ва музоқарада катнашган ўртоқлар ахолининг кам таъминланган табакаларини социал ҳимоялашга, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашга, маиший хизмат корхоналарини кооперативлар учун эмас, балки меҳнат жамоалари учун хусусий мулк килиб бериш зарурлигига алоҳида эътиборни каратдилар.

Факат маъруза матнининг русча тайёрланганлиги одамларни бироз ажаблантириди. Бу ахволда биз давлат тили тўғрисидаги конунни қаҷон бажарамиз, деган эътироz билдирилди.

● ЁЗГИ МАВСУМ ЯКИН

ЎЗБЕКИСТОН саноати химия тармоғи ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси ўтказган семинар-кенгашида болалар соғломлаштириш лагерларини янги мавсумга тайёрлаш қандай бораётганини мухокама килинди.

Семинар-кенгашини Марказий Кўмита раиси Н. Т. Кошимов кириш сўзи билан очди. Социал суругта бўлими мудири С. Гитович юнгилганларни соғломлаштириш лагерлари бўйича норматив хужжатлар билан таништирди, саволларга жавоб берди. Сўнг лагерь бошликлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

«ИШОНЧ» ФОНДИГА

БУТУНИТИФОК ва жаҳон цирк артистлари танлови совриндори, қизиқи Раҳмонбек Исломов ижоди билан сиз «Ишонч» газетасининг 17-сонида танишган эдингиз. Раҳмонберди «Атторнинг қутнис» рукни остида чиккан ҳажвига ва ҳандалари қалам ҳакни мұхарририят фондига ўтказнишга карор килди. Оғир кунда газетаны иктисолий жиҳатдан баҳоли курдат қўллаб-қувватлаган доимий ҳамроҳимиз Раҳмонбердига дил ташаккурини изҳор этамиз.

Шу сонда ўзлон килинган «Барака» иловасининг жиззахлик муаллифлари ҳам катта ҳиммат кўрсатиши, Дехкончилик саноати мажмун ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси С. Маллаев, Дўстлик районидаги Коғим Раҳимов номли давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси раиси З. Мисиров, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ш. Бердиеv, Жиззах сув хўжалиги курилиши трести бошлиғи И. Кобилов ва трест касаба уюшмаси кўмитаси раиси Э. Абдурамонов, «Пахтакор» кишилк спорт жамияти директори Б. Оқбўтаев ҳамда дехкончилик саноати мажмун ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор район кўмитаси раиси У. Низомов ўртоқлар иловада ўзлон килинган маколаларига оладиган қалам ҳакларини газетани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватложи дўстлар каторида мұхарририят фондига тақдим этилар. Сахиҳ ва муруvvатли ҳамроҳларимиз сафи яна ҳам кенгайнишга умидворимиз.

● ЭСЛАГАНИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

Биз ҳамиша 5 майни Совет матбуоти куни сифатида нишонлаб келардик. Бу гал эса...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ленин район кенгаши матбуоти куни баҳонасида журналистларни бир пиёла чойга таклиф этиб қаламкашлар кўнглини кўтарди. Бунинг учун раҳмат.

Кенгаши биринчи котиби Зикрилла Асадов партия матбуоти вакиллари каторида касаба уюшмалари Федерацияси газетаси «Ишонч» журналистларни ҳам антана бўйли колган қасб байрами билан кутлади. Меҳнаткашларни социал ҳимоялашда биргаликда ҳаракат килишга даъват этди.

Хабарлар магзи



● УЗБЕКИСТОН Республикаси Фармонларига биноан:

Раҳим Ражабовиҷ РАЖАБОВ Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби этиб;

Шамил Қодирович ГАТАУЛИН Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Баш вазири А. Муталов бошварди.

этиб тайинландилар.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Каимов Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанднинг табии оғатдан талофат кўрган районларидаги бўлди. Уларга амалий ёрдам бериш чорадебирлари белгиланди.

● ДАВЛАТ тили ҳақидағи конунни амалга ошириш бўйича тузилган комиссиянинг навбатдаги мажлисида Узбекистон Республикаси номи Бош вазири А. Муталов бошварди.

● НАМАНГАНДАГИ Мингбулоқ нефть қудуги жиловкорларини Узбекистон Президенти Ислом Каримов саимий табриклиди. 3 май

куни кўрилган чоралар туфайли қудуги оғзи мустақам ёпилишнга муваффақ бўлинди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Узбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни — «Ўзбекнефтегазини ташкил килиш тўғрисида» Фармон берди.



● ҚАБАРДА-БОЛҔАРИЯнинг колхоз ва совхозлари ўз яловларини талончилардан ҳимоя қилини учун

500 та ов милитигини ўз дорини билан сотиб олдилар.



● ФУТБОЛ бўйича Франция кубоги учун «Бастия» ва «Марсель» клублари ўртасидаги ярим финал учрашувидаги баҳтсиз ҳодиса рўй берди. Анин шу ўйинин томоша қилини учун вактичча ўрнатилиган минбар қулаф тушуб 26 киши ҳалон бўлди. 600 киши жароҳатланди. Улардан 60 нафари эса оғир аҳволда насалхонага келтирилган.

19

1992
йил
11 май
(58)

БИТИМ ТУЗИЛДИ

6 май куни Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 1992 йил учун социал-иқтисодий масалалар юзасидан Битим тузилди.

БИТИМ мухокамаси чоғида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига аъзо ташкилотларнинг Республика вазирликлари ва маҳкамаларининг таклифлари инобатга олинди. Битим имзоланишидан олдин корхоналарда жамоа шартномалари тушиб кампаниясini ўтказиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри маҳаллий бошқарув идоралари, вазирликлар, концернлар, маҳкамалар билан тегишили касаба уюшма бирлашмалари ўртасида битимлар тушиб ишлари олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамаси билан Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкорликда ишлайдиган ва ҳамжиҳат ҳаракат қиласидаги масалалар доираси анча кенг.

Битимга аҳолини социал жиҳатдан ҳимоялашга доир 28 банддан иборат 5 бўлим киритилди. Вазирлар Маҳкамаси Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида 1992 йилда Узбекистон Республикаси Олий кенгашига 13 та қонун лойиҳаси киритишни мўлжаллашти. Булар аҳолини пенсия билан таъминлаш, меҳнат фаолияти, ўй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, маданият, социал шериклик ва бошқа соҳалардаги муносабатларни бошқарувчи қонунлар бўлади.

Битимга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси кўпгина масалаларга доир бир қанча мажбуриятларни ўз зими масига олади. Булар иш ҳақи, меҳнат пенсиялари, нафақалар ва стипендиялар миқдорини қайта кўриб чиқиши, Республика иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришга ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш ва экологик хавфсизлик тадбирларини амалга оширишга доир давлат тизимини ташкил қилиш, соғлиқни сақлашни, социал таъминотни, ҳалқ таълимими, маданият ва сайёхликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларига социал суғурта мақсадлари учун ҳамда социал соҳа йўналишидаги муассасалар ва ташкилотларни таъминлаш учун етмаётган маблағлар ўрни тўлдириш ва шу каби бошқа масалалардир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бу йил касаба уюшмаларига қарашли шифохоналарни ривожлантириш учун 140 миллион сўм ажратилиши, санаторийларда, дам олиш уйлари ва пансионатларда, санаторий-профилакторийларда 334 минг киши, сайёхлик базалари ва комплексларида 100 минг киши, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ва санаторий тиридаги оромгоҳларда 1 миллион бола дам олиб, даволаниши учун шароит яратиши керак бўлади.

Умуман олганда, ҳал этилаётган муаммолар иқтисодий ислоҳот ўтказилиши оқибатида аҳолининг турмуш даражаси янада пасайиб кетишига йўл қўймасликка даъват этилган.

● Битимнинг тўлиқ матни билан газетанинг навбатдаги сонида танишишингиз мумкин.

АЖАБ ЭМАС, АРЗОНЛАШСА...

АГАР атлас кўйлак кимга ярашади деган кўрик-танлов дунё миқёсида ўтказилгудай бўлса, албатта унда ўзбек қизлари го-либ чиқиши турган гап.

Учи хнёл қўнғироқ, белга уриб турган сочларини майдада ўриб бошига ироқими, оқпарами дўппи кийиб олган коши ўсали қизларимизни рангин товлангувчи ипак билан тўқилган атлас кўйлакда бир тасаввур килинг-а. Голиблик албатта шуларни бўлишига сиз имон келтирасиз.

Кўрик-танлов мутасадиларининг айтадиган гапларини ҳам бир хаёллаб кўринг. «Пилла сизда бўлади. Ипак ҳам. Атлас тўкишга ҳам ўзингиз мохирсиз. Қаранг атлас ярашган санам ҳам ўзингиз экансиз. Бунақа мослик, бунақа тўкинлик ҳеч қаерда йўқ. Факат атлас кийинг».

Бундок ўйласак, бу гапларнинг нотўри томони йўқ. Лекин қизларимизнинг атлас кийиш имкониятларига келсак... Шу ёғига бирор таъбингиз тиррикрок бўлади. Ҳайрон бўламан, атлас тўкиш цехлари тобора кўпайиб бораётган бўлса ҳам нечун атлас арzonламай, аксинча кимматлашиб бораяпти. Шахрихонга шуни ўйлаб йўл олдим. Фабрика касаба уюшмаси қўмитаси раиси Алижон Юсупов билан бафуржа гаплашдим.

Алижоннинг айтишича фабрикада 2280 киши ишлайди. Найнаво қишлоғида, Ҳўжаобод қишлоғида, «Ҳакиқат» ва Усмон Юсуповномли жамоа ҳўжаликларида фабриканинг 4 та филиали ҳам бор. Демак атлас кийишга орзуманд кўп бўлганидек, атлас тўкишга иштиёк-мандлар ҳам кўп. Айтишларича, 1 кило ипак 3 кило пилладан тайёр бўлади. Пилланинг нархи 50 сўм. Демак 1 кило ипак 150 сўм. Лекин уни атласчилар 1500 сўмдан олади. Бу эски нархда. Энди шунга тўкиш машақкатларини, ҳаражатларини, янги урф бўйича савдо ташкилотлари қўядиган устама нархни қўшингда, қизларимизга, «марҳамат, қунда биттадан атлас кийинг» деб кўринг-чи... Балки бу тарақ-киёт томон, фаровонлик томон

ўтиш даври шамолидир. Атлас тўкувчиларнинг «атласимиз киммат бўлгани учун сотолмаяпмиз» деган дардлари вактинчадур. Ажаб эмас. Илоҳо вактинча бўлсин.

Яна Алижон Юсупов билан сухбатга қайтаман.

«Минг шукур, касаба уюшмаларига одамлар ишониб, суюниб қолдилар». Бу Алижоннинг шукронаси. Бу шукронага етгунча у анчамунча фаолият кўрсатгандир. Одамларнинг «ишониб-суюниб қолиши» ўз ўзидан эмасдур. Ҳа, омон бўлинг. Бу ерда ҳам касаба уюшмаси ғамхўрликлари анчагина. Мен компенсация, тушлик пуллари, маошларнинг 1,5 минг сўмгача ошганига хайратланганим йўқ. Бу ҳозир ҳамма жойда бўляпти. Колаверса давр тақозоси.

Менга Алижон фаолиятидаги бошқа ҳолатлар яъни, — ишлаб кетган нафақаҳўрларни мунтазам йўқлаш, Шахрихон шаҳар ҳокимиyati билан талашиб-тортишиб юриб ишчиларга ер участкалари, давлат ўйлари олиб беришашётгани жуда мъйзул бўлди.

Ўзбекнинг ўзи беклиги борда, — дейди раис. — Корхонамизда Наврўз тўйини айнан 21 марта эмас рўза чиққандан кейин ўтказдик. Рости, гап бу фикрни менга бир ёши улуғ аяхон берди. «Ука, Наврўзниг элга қайтгани бу ўзбеклиниг элга қайтганидай гап бўлди. Унда мирикиб яйрамасак, сумалакҳўрлик килмасак кўнгил тўлмайди. Лекин рўза оғизмиз, яраш ярим бўлмасину, бизга атаганингизни хайитгача сақлаб туринг» деди. Яхши гап-а. Ҳўп, деб рози бўлдик. Ахир Наврўз бир кунлик байрам эмас-ку. Роза катта килиб ўтказдик. Шу куни касаба уюшмаси хисобидан 100 га якин оиласа 20 минг сўмлик ёрдам уюштирдик. Ҳайит килиб, нафақаҳўрларимизни йўқладик. Улар ҳам Наврўз тўйига келишди. Роза мирикиб байрам қилдик.

Алижоннинг одамлар билан келишиб, маслаҳатлашиб ишлайдиган феъли барчага майқул экан. Бу феъли айникса уй-жой ва машина тақсимотида қўл келяпти. Ўтган йили машина олувчилар рўйхатидаги 1-ўринда турган Қамолхон Аминов келишув ва ихтиёрий равишда ўзига тегишли машинани 5-ўриндаги Ҳамрохон опа Юсуповага берибди. Ҳамрохон опа оиласи, ўғли, келинлари билан ишларкан фабрикада.

Ишчилар билан, касаба уюшмаси аъзолари билан келишиб шу оиласинг машина мухтожлиги ҳамманидан кўпроқ экани учун унга бўришибди. Қамолхон хурсандлик, ўзбекона оқибат билан бунга рози бўлибди.

Кувондим, меҳру оқибат ва адолат ўлмаса, бир куни фаровон, тўкин кунларга етамиз ахир. Менга яна Алижоннинг бир гапи ёқди.

— Хорижга саёҳат ўйлланмаларини тарқатишга унчайм шошилмаяпмиз. Аввал ўзимизнинг табаррук жойларимизни зиёрат қилиш, ўз тарихимизни ўрганиш зарур деб ўйлайман. Ахир биз қандай юртнинг боласимиз, кимларнинг авлодимиз, — буни яхши билмогимиз, кейин чет элларга чикмоғимиз кепак.

Самарқанд, Бухоро, Хива ўзига хос тарихга эга. Бу томонларга сафарларни кўпроқ уюштиришга интилаётганимиз шундан.

Яхши фикр. Мен Шахрихон атлас фабрикаси тўкувчиларининг касаба уюшмасига нега суюниб, ишониб юрганини англагандек бўлдим. Яна бир кувончим фабрикага ўзбек адиби ва давлат арбоби Шароф Рашидов номини беришга карор қилганлари бўлди. Шароф ака узок ўйлар шахрихонликлар депутати бўлган эди. Үнинг бу юртга нафи кўп теккан. Яна бир катта кувончим, ипакни кимматга олиб, тўкиган атласларининг кимматлигидан ўкинган фабрика ишчиларининг битта цехни пиллани қайта ишлаш цехига айлантиришаётгани бўлди. Ажаб эмас, қирқ ўрим сочлари солланган қизларимизга ярашадиган атласларимиз яна арzon бўлиб кетса. Арzon бўлди, албатта.

Замира РЎЗИЕВА.

НОНДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ

Беруний шаҳрининг чеккасида «Водник» посёлкасида Олимбай Отажоновни катта-юкик яхши билади. Посёлка аҳолисини Олимбай оғанинг оиласий номвойхонаси ширмой нонлар билан таъминлаб келаяпти.

Бу ерда учта тандир кечак-ю кундуз ишлаб турибди. Уларда Олимбай оға билан фарзандлари — Ҳамид, Отабек, Одилбек, Нурилбек ва келини Муқаддасхонлар ишлашади. Бир кеча кундузда уч хилда уч тонна сўлқилдоқ нонлар ишлаб номвойхона кошида ташкил этилган махсус дўкон орқали аҳолига сотилаяти. Иссиқ нонни олаётган харидорлар ҳар сафар Отажоновларга «Нондек азиз бўлинг!» — деб қўйишади.

АСАЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Асрий Аёзқалъа атрофларида «Янгиобод» колхози ташкил этилгач, Элликқалъа районидаги ҳўжаликлар сони 18 тага етди. Бу асалари чилик ва бодгорчиликка ихтисослаштирилган жамоа ҳўжалигидир.

Янги ҳўжалик дастлабки йил меҳнаткашлар дастурхонига 17 тонна юқори сифатли асал етказиб беради. Асал тайёрлаш ва топшириб билан саккизта оиласий пурдат аъзолари шугулланяпти.

Колхоз асаларилари район ўрмён ҳўжалиги ва Султон Увайс тог тизмалари этакларида Оқчакўл соҳилларида боқилмоқда. Ҳозир колхозда 20 гектарлик бօг барпо этиш ва 50 гектарга полиз-сабзавот экиш ишлари поёнига этиказилмоқда.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ.

ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИННИ БИЛА СИЗМИ?

ҲАМИД ОЛИМЖОН номли Ҳарши давлат дорилғунунинг тарих кулиёти талабалари шу кунларда Туркистон ҳалқлари ва Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганишга қатъий бел бораётган. Улар мактабларда бўлиб семинар-кенгашлар, викториналар ўтказмоқдалар, ўқувчилар билимни бойитишга кўмаклаштирилар.

Яқинда «Ўрта Осиёниг Россия томонидан босиб олинипши ва унинг сабоқлари мавзууда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Үнда талабалардан Йўлчи Холиқов, Алишер Худоёров, Шахло Ражабова, Ульянов номли 10-мактаб юқори синф ўқувчилари ўзларининг изланиши ва тадқиқотлари юзасидан маърузалар қилишди. Талабалар ўзлари тайёрлаган Ўртада Осиё ҳалқлари тарихига оид кўргазмали қуроллар, альбомларни мактаб ўқувчиларига тақдим этишиди. Қизиқарли маърузалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган талаба ва ўқувчиларга тарих кулиёти декани Абдусалом Мавлонов «Мерос» нашириётининг ноёб китобларидан совга қилди.

Шахло ҮРОКОВА.

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Фарғона водийсида биринчина санаторийси «Қоровул ота» ўз фаолиятини бошлади. Қарқидон сув омбори қирғоғидаги хушманзара маскандада жойлашган бу санаторий ҳозирча 50 кишини кабул қила олади.

(Ўз муҳбиримиз).



Сурхондарё вилоятининг Денов районидаги Ленин номидаги жамоа ҳўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муродилло Очилов уюшма фаоллари билан тез-тез учрашиб қишлоқ меҳнат аҳли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган зарур тадбирларни кўриб чиқади ва уни амалга ошириш учун мунтазам интилади. Қейинги пайтларда ҳўжаликдаги 16 та кам даромадли ночор оиласаларга 4900 сўм маддий ёрдам берилди. 25 колхозчининг саломатлиги тикланди. Беш кишига санаторий-профилакторийга бепул ўйлланма берилди. Колхоздаги ҳар бир оиласа арzon нархда 100 килограммдан буйдой, 100 килограммдан пиёз, томорқасига экиш учун 30 килодан уруглик картошка берилди.

Суратда элга ғамхўр қўмита раиси Муродилло Очиловнинг касаба уюшмаси фаоллари билан сухбатлашашётган пайти.

*Сураткаш: Шавкат СУЛТОН.

АНДИЖОНЛИКЛА РДАН ЎРГАНИБ

МЕН ФАРГОНА водийсида мөхнаткаш қишилари, ажойиб табиити ҳақида кўп эшитганман. Аммо ҳаётимда биринчи марта бу жойларда бўлишим. Мени энг қизиқтирган нарса бу водий одамларининг ердан ниҳоятда тежжаб-тергаб фойдаланишлари бўлди. Бир хафта мобайнида дехқончилик-саноат мажмуи ходимлари Андижон вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг иш тажрибаси билан танишдим. Қўмитанинг аппарат йигилишида иштирок қилдим, район қўмиталарида бўлдим. Республикадаги ҳам-қасбларим билан кўрганларим ҳақида ўртоқлашмоқчиман.

Бу ерда вилоят қўмитасининг таъсири кучли, унинг таркибида ташкил этилган турли ассоциациялар ҳам яхши иш олиб бормоқдалар. Аммо ана шу жараёнда менга район қўмиталарининг фаолияти кучсизлашиб қолаётгандек, вилоят қўмитаси жуда катта масъулиятни ўзига олаётгандек туюлди. Бу балки тўғридир, чунки водийда вилоятлар каби, районлар ҳам бир-бира ги жуда яқин, зич жойлашган.

Бўрдокчилик корхонасида бўлганимизда уч юз бош қорамолга 36 гектар ер ажратилганини айтиши, аслида эса ҳар бош молга ярим гектар ер бўлини керак. Бўлмаса, яна ем-хашакни «ҳар

қандай йўл билан» топишга тўғри келади. Бундай ишнинг охри нима билан тугаши ҳаммамизига аён. Бошқарувнинг тармоқ принципи бу ерда жуда яхши шаклланган. Вилоят қўмитаси раисининг тармоқлар бўйича ўринбосари борлиги яхши натижалар бермоқда. Чунки, ҳалқимизда «Чумчук сўйса» ҳам, қассоб сўйисин» деган нақл бор, ўз соҳасининг билагони раҳбарлик қилганда, ишлар аъло даражада бўлиши, табиий ҳол. Санаторий-профилакторийларга катта аҳамият берилмоқда. Мен улардан учтасида бўлдим, вилоят қўмитасининг моддий қўллаб-куватлаши натижасида уларда бозор иқтисодиёти қийинчиликлари сезилмайди. Эркак ва хотин-қизлар учун алоҳида овқатланиш жойлари ташкил этилгани ҳам соз бўлибди. Чунки кўпчилик хотин-қизлар эркаклардан тортинишида.

Умуман олганда, мен Андижондан қўпгина яхши нарсаларни ўрганиб қайтдим. Уларни касаба уюшмалари ишида қўлласак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Парахат ҚУРБОНОВ, дехқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақолпогистон республикаси қўмитасининг раиси.



Сўнмас у кунлар

ДОВЮРАК АВТОМАТЧИ

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фаҳриси,
Езувчилар уюшмаси аъзоси.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист.

1943 ЙИЛНИНГ 18 августи. Ҳали тонг отмаган бўлса ҳам осмон оқариб, тева-рак-атрофда ҳамма нарса кўзга ташла-ниб қолган. Ҳаво салқин. Взвод автомат-чилари жангга шай бўлиб туришибди. Душман позициясини синчковлик билан барча қатори кузатиб турган Элибой Қора-боев кечакурун кичик лейтенант Мироненко взвод автоматчилари олдига қўйган жанговар вазифани эсга олди: «Гитлерчиларни Днепр дарёсидан улоктириб ташлаш ва дарёнинг сўл қирғоғида ўт очиш позициясини эгаллаш учун Никитовка қишлоғини тезкор ишғол қилиш лозим».

Жанговар вазифани муваффақияти улдалаш масъулияти уни ҳаяхонлантиро-моқда эди. Команда берилишини кутиши га сабри чидамай, типирчилаш бошлади. Артиллерия тайёргарлиги бошланишини бетоқатлик билан кутаётган Элибой Қора-боевнинг дилидагини сезандек, ора-дан унча кўп вақт ўтмай, дивизия тўп-чилари ва миномётчилари душман устига снаряд ва миналарни бетўхтов ёғдира бошладилар.

Отишма ниҳоясига етиши билан Э. Қора-боев траншеядан кўтарилид. Орқама-орқа унинг взвод жангчиларини ҳужум бошлаша ундовчи даъвати янгради:

— Никитовка қишлоғини ишғол қилиш учун олға, ўртоқлар!

Ефрейтор Қора-боев Никитовка қишлоғига биринчи бўлиб бостириб борди ва кўча жангини бошлаб юборди. Чекинаёт-ган фашистларни изма-из қувиб борар экан, автоматидан ўт очиб, 8 гитлерчини ер тишлатди ва душман пулемётини қўлга киритди.

Қора-боевнинг довюраклиги туфайли автоматчилар ротасининг барча взводла-ри Никитовка қишлоғига бостириб ки-ришга муваффақ бўлдилар ва душман сафларини қишлоқни ташлаб чиқиб ке-тишга мажбур қилдилар.

Дивизия командири ўзининг 1943 йил 28 сентябрдаги 036/Н рақамли бўйру-ғига мувофиқ ефрейтор Элибой Қора-боевни «Қизил Юлдуз» ордени билан му-кофотлади.

ГИТЛЕРЧИЛАР Днепр дарёсининг Ғар-бий қирғоғига улоқтириб ташланиб, ав-томатчилар ротаси жангчилари Келебер-да қишлоғи яқинида дарёнинг шарқий қирғоғига ўт очиш позициясини эгалла-ганингига бир неча кун бўлган. Энди-ги вазифа 1943 йил 23 сентябр куни Днепр дарёсининг ғарбий қирғоғига ўтиб олиб, у ерда плацдарм эгаллаш билан душман-га қақшатғич зарба беришдан иборат эди.

Балиқчилар қайингини топиб олган Эли-бой Қора-боев взвод командирининг ёни-га яқинлашар экан, дарёдан биринчи бўлиб ўтиш истагини билдири. Бу таклиф-дан кичик лейтенант Миноненконинг «Хўнгли тоғдек кўтарилид.

— Раҳмат сизга! Шундай таклиф қили-шинизга ишончим комил эди. Тонг оти-ши олдидан дарёнинг нариги қирғоғига ўтишингизга рухсат этаман. Аммо ни-ҳоятда эҳтиёт бўлинг.

Э. Қора-боев тарафдудни барвақт бош-лади. Автоматидан ташқари қайиқка қўл пулемёт ва етарли миқдорда патрон-ларни ҳам жойлаб олди. Кечакурун дарё ғарбий қирғоғининг қалин дараҳти ва энсизори жойини белгилаб кўйган эди. Соат олти бўлмасдан қайиқка ўтириб, уни дарёнинг ғарбий қирғоғи томон бошқа-риб кетди.

Тун ҳали қора пардасини кўтаришга улгурмаганлигидан фашистлар унинг ҳа-ракатини мутлақо пайқашмади. Қирғоғи-нинг кечак-ўзи мўлжаллаб кўйган жойига таҳминан 15 дақиқаларда етиб олди. Қайинки бир дараҳтнинг дарёга чиқиб турган илдизига боғлаб кўйди-да, пул-мёт ва патронларни олиб, қирғоғи кў-тарила бошлади. Қалин дараҳтли қирғоғи Э. Қора-боевнинг мушкулини осон қилди.

Тонг ёриша бошлаганда тева-рак-атроф кўзга яққол ташланиб қолди. Пулемётни ўт очиш учун қулаӣ жойга ўрнатиб ол-гач, душман позициясини, гитлерчилар ҳаракатини синчковлик билан кузата бошлади. Траншея ичидаги фашистларнинг

ҳаракати сезилиб қолди. Бунинг устига душман пулемётни дарёнинг дараҳтлар сийран бўлган қисми йўналишига қарати ўт очиб қолди. «Энди пайти келди. Бундан кечикириб бўлмайди», — кўнглидан ўтказди у ва пулемётидан шиддатли ўт оча бошлади.

Э. Қора-боев гитлерчиларни шошириб қўйди. Улар бунга жавобан барча тур куроллардан Қора-боевга қарати жон-жаҳд билан ўт очишига тутиндилар. Бироқ фашистлар довюрак жангчими чўчита олмадилар. У пулемётини бирлаҳза ҳам тин-дирмади. Ана чап томондаги пулемётнинг овози ўчди. Энди Э. Қора-боев мудофаа марказидаги пулемётни мўлжалга ола бошлади. Бир неча лаҳзада бу пулемёт ҳам бўлиб қолди.

Э. Қора-боев душман зэтиборини ўзи-га жалб қилиб турганлигидан фойдаланган рота автоматчилари дарёдан ўтиб, қирғоқа чиқиб олишга муваффақ бўлдилар. Тўхташ мумкин эмас эди. Шунга кўра қирғоқдан кўтарилиш билан взвод ва бўлимларнинг командирлари «Урал» садоси остида автоматчиларни душман мудофааси томон бошлаб кетдилар. Э. Қора-боев уларни кўллаб-қувватлаб, гитлерчиларнинг бош кўтаришига йўл қўймади. Кўп ўтмай, ғанимлар қочишига тутиндилар. Шу пайт взвод командири кичик лейтенант Мироненконинг жанговар даъвати эшитилди:

— Душман мудофааси томон олға!

Одатдагидек, бу сафар ҳам траншеядан биринчи бўлиб Э. Қора-боев кўтарилид ва душман мудофаасига бостириб борди. У ерда дастлаб дуч келган гитлерчи обер лейтенантни автомат кўндоғи билан уриб гумдан қилди ва қимматли ҳужжатларни кўлга туширди. Душман мудофааси ишғол қилингач, рота ҳужумини давом эттириб, тепаликка яқинлашиди. У ерда ўрнатилган пулемётдан душман узлуксиз ўт очаётганини учун жангчилар ётиб қолишиди.

Ефрейтор Қора-боев рота командири катта лейтенант Коновалюкнинг руҳсати билан душман пулемётининг овозини ўчириш мақсадида ер бағирлаб олға сурила бошлади. Э. Қора-боев барча эҳтиёт чораларини кўрганлигидан уни пулемёт жойлашган ерга яқинлашиб боргунча ҳам фашистлар пайқашмади. Кетма-кет иккита граната иргитиб, уч гитлерчидан иборат пулемёт расчётини яксон қилди ва пулемётни қўлга киритди.

Натижада тепаликка яқинлашганда рота автоматчиларининг ҳужумни давом эттиришлари учун имконият вужудга келди. Улар кучли «Урал» садоси остида олға ташланиб, душманни изма-из қувиши давом эттирилди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 3 июндаги Фармонига мувофиқ ефрейтор Элибой Қора-боевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

ЭЛИБОЙ ҚОРАБОЕВ 1917 йилда туғилган. Қизил Армия сафига Самарқанд вилоятининг Иштихон районидаги Бахрин қишлоғидан чақирилган. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида 206-ўқчи дивизиянинг 722-ўқчи полки таркибидаги автомотчилар ротасида автомотчи сифатида иштирок этган.

Улуғ Ватан уруши фронтидан ғалаба билан қайтган Элибой Қора-боев 1946 йилда агрономлик курсини тамомлади. Шундан кейин Митан район Совети ижроия қўмитасида бўлим мудири, Митан қишлоқ Совети ижроия қўмитасининг раиси, 1948—1961 йилларда Куйбишев номли жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси, 1961—1965 йилларда бригада бошлиғи, 1965—1980 йилларда гидротехник лавозимларида фаолият кўрсатди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Ленин ордени ва медаллар, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фаҳрий ёрликлари билан мукофотланган. Бир неча марта район партия комитетининг аъзо-си, район советининг депутати, 1956 йилда Узбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланган.

Довюрак автоматчи Элибой Қора-боев эндиликда қарилек гаштини сурмоқда.

НАСИБ ЭТМАДИ

КРИМНИ немис-фашист босқинчилардан озод қилиш учун олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида мисллиз жасорат кўрсатганларидан учун иккича дараҷали Ватан уруши орденлари билан мукофотланган 200 жангчинга 190 нафари бу юксак мукофотга душманга қақшатғич зарба бериб, мардларча ҳалок бўлганларидан сўнг сазовор бўлишган эди.

Мархум қаҳрамонларнинг 17 нафари Совет Армияси сафига серкүёш республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан чақирилган бўлиб, уларнинг 12 нафари 19 ёшли йигитлар.

Фронтга Пискент районининг Октепа қишлоқ Советидан жўнаган Кудратилла Файзуллаев Крим ярим оролидаги Херсонец буруни районидаги 128-гвардиячи тоғ-ўқчи дивизия таркибидаги 315-гвардиячи тоғ-ўқчи полк автомотчи сифатида 1944 йил 12 май куни душман ДЗОТига яширинча яқинлашиб бориб, граната улоқтириди ва уч фашистни ер тишлатди. ДЗОТдан чиқиб, қочишига тушган гитлерчини автомотидан ўт очиб гумдан қилди. У ҳужум жангини давом эттириб, душман билан юзма-юз олишувда мардларча ҳалок бўлди.

Неъмат Ҳолматов ҳам пискентлик. Ҳозирги Ленин номли колхоз территориясида вояга етган. Неъмат ўша куни Камишеватая қўлтиги районидаги олиб борилган шиддатли ҳужум жангидаги рота жангчилари тартибининг олдида борди. Ҳужум давом эттириб, 10 га яқин гитлерчини кириб ташлади. Ҳужум жангини давом эттирада 12 май куни бағододлик иккакала жасур пулемётчи ҳам душман ўқидан ҳалок бўлишади.

Шу полк 1-ўқчи ротасининг фронтга юкори Чирчик районидаги Бордонкўл қишлоқ Советидан жўнаган. У Херсонец буруни районидаги ҳужум жангидаги рота жангчиларни тартибининг олдида борди. Ҳужум давом эттириган ўқчилар занжири олдига бориб, ўз пулемётидан душманга қарати беаёв ўт очади. Гитлерчиларни тутдек тўкиб, чекиншига мажбур этади. Бу жасорати билан рота жангчиларининг олға силжишига имкон яратади. Ҳужум давом эттирада 12 май куни бағододлик иккакала жасур пулемётчи ҳам душман ўқидан ҳалок бўлишади.

Бундан ташқари жарқўргонлик катта сержант Тамир Назаров, тошлоклик Тўламбай Тўйчиев ва Мўйдинжон Тўхтаев, қўқонлик Владимир Журбинский, риштонлик Олимжон Шарипов, сурдловлик Гадой Яхиевлар ҳам шундай жасорат кўрсатганлардан.

Севастополь плацдармидаги босқинчиларига қиритиб, босқинчиларни тутдек тўқади. Ироил эса душманнинг иккига ўт очиши нуктасини яксон қилиб, рота жангчиларининг олға силжишига имкон яратади. Кейин гитлерчиларни изма-из қувиб бора тур, мардларча ҳалок бўлади.

Безимянний хотури ишғол қилингач, жангчиларни шовотлик Қозокбай Жуманов, асакалик Умарали Рахмоналиев, избосканлик Султонбай Шокировлар ҳам мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жангвар топширикнинг бажарилишига муносиб хисса-кўшганлар ва шу йўлда шахид бўлганлар.

Бу 17 баҳодирнинг ҳаммаси 1944 йил 12 май куни Кримнинг Севастополь районидаги 6-Верста қишлоғида дағи этилган.



Кексалар нақадар донишманд ва нуроний бўлладилар. Зоро, таникли расом, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъатарни арбоби, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самир Абдуллаев бир умр донишмандлик билан ноёб ва нурли расмлар чизди. Яқинда Туркестон ҳарбий округининг музейидаги мўйсалам соҳиби таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан унинг асарлари кўргазмаси очилди. Кутлуг ёшиниз муборак бўлсан, Самир Сураткаш С. Величкин, (ЎЗА).

Гўдак тетапоя бўлаётган кунларни ҳаммамиз яхши биламиз. Уни энг яқини, энг меҳрибони етаклаб юришга ўргатади. Гўдакнинг ҳар бир босган қадамидан қувониб, ярайди. Қайси йўллардан юриш, қандай қилиб ийқилмасликни эркалаб туриб, суйиб туриб ўргатади.

Таъбир жоиз бўлса, бугун мустақилликка эришган республика изетапоя кунларни бошидан кечирмоқда. Унинг ҳам дўстман деган яқинлари, қондошман деган меҳрибонлари йўқ эмас. Улар самимиг билан кўмакка чоргандилар. Бу энг аввал дўстлик ёрдамлари, ишлаб чиқариши ривожлантириши ниятида кўплаб қўшма корхоналарнинг вужудга келишида, маданий маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда.

Афғонистондаги Тахор Наим Л. Т. Д. фирмаси президенти жаноб Нурулло Толуконий ҳам ёш Узбекистонга мадад берай деган, пок ният билан ўлкамизга ташриф буюрган ўзбек биродарларимиздан. Мухбириз Замира Рўзиева Нурулло Толуконийни учрашува тақлиф этганида азиз меҳмонимиз бунга жондии билан рози бўлди.

— Мухтарам жаноб, дастлаб газетхонларимизга ўз ҳақингизда кискача гапириб берсангиз.

— Фаҳр билан айтаманки, мен ўзбек миллитига мансубман. Сизларга маълум, Алишер Навоий Хиротда туғилган, Саркарда Темур ҳам юртимизда кўп бўлган. Шу бонсдан Афғонистондаги ўзбеклар ҳам ўзларини Ҳазрат Навоий ва саркарда Темурбек авлодларидан деб биладилар.



НУРУЛЛО ТОЛУКОНИЙ:

АСЛИ ТОМИРЛАРИМИЗ БИР...

1939 йилда Мозори Шарифнинг Тахор районига карашли Толикон шаҳарчаси ёнидаги кичик Козок кишлоказда таваллуд топғанман. Отам Мулло Муҳаммад Наим (аллоҳ у кишининг охиратларини обод килсин) мен олти ўщлигимда казо килгандар. Бир йил ўтиб онам ҳам вафот этгач аммам кўлида тарбия топғанман. Ҳаётим кўпроқ ҳарбий хизматда ўтди. Капитан, майор ҳарбий унвонларим бор. Матбуот вазири бўлиб, кейинроқ миллий масалалар бўйича вазир ўринбосари бўлиб ишланганман. Ливиядаги Афғонистон элчиҳонасида раис мувонини бўлиб фаолият кўрсатганман. Икки йилдан ошди, 15 нафар маблағдор ўзбек дўстлар бирлашиб фирмамизни ташкил килдик. Бир нарсанни таъкидлаб айтай, фирма тузиш нияти туғилгандайди биз ўзбекистон билан муносабатлар боғлашни реjalashirgandik.

— Сиз билан бафуржка сухбатлашиш маврудини узок изладим. Бир гал Қашқадарёдан бугун келдим дегандингиз. Кейнинг сафар эса, Ангренга кетаяпман деб узр айтдингиз. Қашқадарё ва Ангрен билан боғлик қандай юмушларни ҳал этаяпсиз?

Каршига кўп бораман. У ерда «Карши — Қобул» номли қўшма корхона очишимиз. Бу корхона анча катта бўлади. Шартнома бўйича у мева сабзавотларни қайта ишлаш, мўйначалик, гилам тўкиш корхоналари, махаллий ҳом ашёдан курилиш материаллари тайёрлаш заводини ўз ичига олади. Қашқадарёни сизга таърифлашимнинг хожати йўқдир. Бу бағри кенг ўлканнинг одамлари ўта меҳнаткаш, ўта дилбар экан. Афсуски уларнинг кўпчилиги нойоч хаёт кечиришайти. Ишсизлар кўп. Биз ташкил килаётган гилам тўкиш фабрикасида Карши кизлари бемалол ишлай оладилар.

Ангрендаги фаолиятга келсак, у ердаги чинни заводи, шифер, цемент корхоналари билан ҳамкорлик килишни йўлга кўяяпмиз.

— Толуконий жаноблари, сизни нечук айнан Қашқадарё вилояти қизиктириб колди?

— Биласиз, Қашқадарё бизнинг чегарага яқин вилоят. Ко-лаверса сафарларимдан бирда билдираман.

— Ўзбекистоннинг қелажаги ҳақида нима дея оласиз?

— Мен боя Ливиядаги элчинонада ишлаганимни айтдим. Ариклар, ҷашмалар йўқ хисоб бу юртда. Ери хосилдор эмас. Ўзбекистон эса бу жихатдан олло ризкини бутун килган юрт. Тупрогида нима экса унади. Суви мўл. Тоғларидаги қорларга қараб була ризқ-рӯз деб кўяман. Ахир 5 миллион тонна пахта — бу ҳазилакам давлат эмас. Зироат яъни боғларчи. Жаннат мевалариning ҳамма хилидан ўсади бу юртда. Факат мустақиллик, ўз бойлигига ўзи эгалик килиш етишмасди. Ҳудога шукур, бу ҳам бўлди. Жуда озвақт ичиди энг тараққий қилган юртга айланади бу жойлар. Муҳими, ҳалки ўта меҳнаткаш, софди.

Ер ости маъданларини айтмайсизми. Зарафшондаги олтин конлари, Мингбулоқдан отилиб чиккан нефть фаввораси худоберган ризк.

Ҳамма гап билим билан, тадбиркорлик билан, аниқ хисобкитоблар билан иш юритишда



ЧИҚИНДИНИ ИШГА СОЛИБ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Янгийўл мебель концернида ўзапоядан диван ва креслоларнинг ёнdevorларини тайёрлашга киришилди.

Концерн жамоаси илгар ишлаб ёки ёки юбориладиган маҳаллий хомашёдан фойдаланишга ўтишиди. Битта ёнdevorни ишлаб чиқаришдан 40 сўм иқтисодий фойда олинмоқда, бир сменада эса 30 дан ортиқ ёнdevor тайёрланаяти.

Суратда: ўзапоядан блоклар тайёрлаш цехида. Сураткаш: Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎЗА фотохроникаси).



ЯНГИ ОЛИЙ БИЛИМГОХ

СУРХОНДАРЁ. Термиз давлат дорилғунунинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 7,5 минг талаба таълим олайти. Машгулотларни 380 ўқитувчи олий боришаюти, улар орасида 14 фан докторлари ҳамда 130 фан номзодлари бор.

Бу йил бу олий билимгоҳда тўртта янги факультет ташкил этилди: психология, иқтисодий ва экология, хукуқшунослик, иқтисод ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар.

Дорилғунун бир катор чет эл мамлакатлари ўкув юртлари билан алоқа ўрнатган.

Суратда: Металлни механик усулда ишлаш лабораториясида амалий машгулот пайти.

Сураткаш: И. ҲУЖАЕВ (ЎЗА фотохроникаси).

ҲАМКОРЛИК

Андижон ва ўш вилоятлари маорифчилари 1992 йилда дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга караштаган шартномани имзоладилар.

Андижонда бўлиб ўтган бу тадбирларда ўш вилоят ҳалқ таълими бошкармасининг бошлиги Б. Нуримбетов, Қўргонтепа район ҳокими, ўзбекистон ҳалқ депутати Т. Бобохонов, ўш давлат

муаллиmlар олий билимгоҳининг ректори Ж. Шарифов, ҳалқ маорифи аълочини У. Саримсоқов ва бошқалар сўзга чиқишиб, икки вилоят маорифчиларининг ҳамкорлиги ўзбек ва кирғиз ҳалқларининг дўстлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ.

Умри азиз

УЧ АЕЛ санаторийнинг шинам бир хонасида дам олиб, даволаниши. Ўқитувчи Ўқтамхон, ошпаз Баҳриниса ва тикувчи Лутфихон.

Лутфихон ҳар куни эрта билан ҳаммадан олдин туриб, ювишиб-тараниб, чироили кийиниб олади-да, ёнидагиларга «Ассаломуалайкум, яхши ётиб турдингизми, соғлиғингиз кечагидан анча яхшими?» дейишига қанда қимайди. Унинг табассуми, қарашлари эрталабданоқ дилингизга чироқ ёкиб юборади. Кейин у нонушта пайтигача ҳовлида сайр қиласди.

Ўқитувчи Ўқтамхон эса жиддий, оғирбосик, камгап. Қўлида доимо китоб. Бироров салом берса алик олади, ҳол-аҳвол сўраса — кейин у ҳам сўрайди.

Қўлимдан Келмайди деманг

Баҳриниса бўлса бутунлай бошқача. Эрта билан кўзини очар-очмас, на салом бор, на алик, биринчи сўзи «вой, бошим, вой, юрагим санчаяти, вой, ҳеч ухломай чиқдим» деб нолишга тушиб кетади.

Юринг, Баҳрихон, ҳовлига чиқайлик, ҳаво тоза, ҳаммаёк кўкаламзор, баҳри-дилингиз очилади, — дейди Лутфихон.

Эй, кўйсангизчи, — деб Баҳриниса яна ёнбошлайди.

Дардни унтиш, енгил тортиш учун бирон нима билан шуғулланиш керак, — деди бир куни Лутфихон самимият билан — сизга тўқиши ўргатайми? Масалан, энг оддий — болаларингизга қалпоқча ёки пайпоқча тўқиши.

Эй, билмийман, қўлимдан келмайди, барибир.

Жуда осон, мана қаранг-а, ёшлиғингизда рўмлоча четига тўр тўқиганмисиз, ана шунга ўҳшаган-да.

Эй, барibir тушумийман! — деди Баҳриниса қўл силтаб ва дераза ёнига боради. Ҳовлига қараб, ўзича дейди:

Уйдагиларга чучвара буюрган эдим. Нега кечикишаётни? Ух, жуда зерикдим, бу ерда.

Лутфи билан Ўқтам бир-бирларига маъноли қараб қўйишади.

Ха, бу аёл мазали таомлар танаввул қилишни бир дақиқа ҳам кечиктирмайди.

Лекин у маънавий «очлик»ни, маънавий етишмовчиликни сира-сира ҳис қилмайди. «Мен шундай яратилганман, шундай яшашим керак. Баривир қўлимдан келмайди», дейди-ю муолижалардан сўнг ҳар кун зерикиб ётаверади шифтга қараб. Ёки ухлади.

Бу аёл газета ҳам ўқимайди, телевизор кўришга ҳам қизиқмайди. Тенгкур аёллар даврасига тушиб қолса — ҳамма завқ-шавқ билан дам олади, у эса еб-ичиб бўлгач, зерикиб, эснаб ўтиради. У на ўйнга тушишини билади, на қўшиқ айта олади, на тўрт сатр шеър ёдлаган. Мабоди бироров «Баҳриниса, сўз сизга!» дегудек бўлса «Вой, мен гап билмийман. Йўқ, йўқ, қўлимдан келмайди. Ана, бошқалар гапирсин!» деб даврани совутиб

шеърларини ҳузур қилиб тинглайсиз-у. Шуни билинг-ки, агар инсон сабот билан меҳнат қилмаса, оромдан кечмаса — масалан, энг талантли шоир ҳам шеър ўзламайди. Агар сабот билан меҳнат қилмаса, энг моҳир раққоса ҳам рақсни қойил қўлламайди.

МУКАРРАМА Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамблининг қизлари шундай эслашади. «Мукаррам опа жуда қаттиқ интизом ва чидам билан ҳар куни бешолти соатлаб биз билан машгулот ўтказарилар. Чарчаганимизга, гапнинг рости, баъзан очиқиб кетганимизга ҳам қулоқ солмай, то мақсадга етмагунча машқ ва яна машқни давом эттираверардилар».

Ха, «Баҳор» қизларининг гўзал рақслари замирада қанча-қанча изтироблар, изланишлар, қанча меҳнат ва машаққатлар бор.

Чекка қишлоқдан бир қиз шаҳарга төғасинига келди. Шу ерда туриб ўқишига киришга тайёргарлик кўрди. Уззу-кун қўлида китоб.

Бир куни келинойиси унга «Норгулхон, ўқишдан бироз танаффус қилиб, чучвара тушишоринг?» деди. Норгул эса «Чучвара тушиши билмайман» деб яна китобга тикилди. «Келинг, ўргатаман», деди келинойиси қизни ёнига чорлаб ва бир неча бор трактор-трактор кўрсатгач, Норгул бу ишини ўрганиб олди. Бир сават чучвара туғди. Узи ҳам хурсанд, келинойиси ҳам. Кейин Норгул турили пироглар пиширишни, ранг-баранг ҳалатлар тайёрлашини, дастурхон тузаб меҳмон кутишини ўрганди. Келганида тортичоқ, ҳеч нимага қовишмайдиган қиз ҳадемай фаол, чақон, ташаббускор бўлиб қолди. Имтиҳонларга ҳам қизиқиб, файрат билан тайёргарлик кўрди ва институтга кирди.

«Сени ўқитамиз» деб фарзандининг қўлини фақат китобга ўргатиб кўядиган одамлар ҳам бор. Тўғри, кўп ўқиш керак, лекин инсонга кўп нарса зарур. У ҳаракат қилса — ҳаммасига ҳам вақт топиши мумкин.

...Лутфихон бўш келмади. Аввалига мажбур қилиб бўлса ҳам Баҳринисага тўқиши ўргатди. Қўли келишиб, қизиқиб қолган Баҳрихоннинг энди юраги ҳам, боши ҳам оғримай қолди. Чехраси анча очилди. Энди у китоб ўқиётган Ўқтамхонга қараб, «Овозингизни чиқариб ўқинг, мен ҳам эшитай» ёки «Қани, мен ҳам ўқиб чиқайчи?» дейдиган бўлди.

Инсон улуғ ишларга қодир. Фақат унга озгина ҳафсала керак!

Санъат МАҲМУДОВА.



Жондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.

Ҳар ненини севмак андин
ортукча бўлмас,

Ондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.

Алишер НАВОЙЙ.

ҲАР НЕГА БОРДИР ДАВО

Ха, айланйлар, ўлимдан бўлак ҳамма дардга даво бор. Озгина кунт, озгина ҳаракат бўлса, кўп билан кенгашаб иш тутила, битмаган ишлар битиб кетиши турган гап.

Масалан денг, киш чилла-сида кўшнимиз Шарофат аявафт этдилар. Ёшлари сак-

сондан ошиб, етти киз, бир ўйлардан невара-эваралар кўриб, қанча дўсту биродар орттирган эдилар. Қанийди, ҳаммамиз ҳам ўша аёлнинг ёшларига етсак..

Урф-одатимизга кўфа раҳматли аянинг қизлари, келин, сингиллари, жиянлари оёқ-да тик туриб кўзда ёшу тилда

фарёд билан келган-кетганийн кутиб олдилар. Уч кунгача келди-кетди бир дәқиқа тинмади. Майли, келишсин, Шарофат аянинг, фарзандларининг ҳурмат-эътибори бор эканки элу юрт кўнгил сўраб тавоғ қилиб келди.

Лекигин кўпдан бери мени ўйлантириб келадиган битта масала, бу сафар, айниска таъсир килди. Айтайлик, аёллар уч-тўрт нафар бўлиб, бирин-кетин келаверишади. Хозиргина ўй эгалари бир неча

аёл билан йиглаб кўришиб, кейин уларни ўйга таклиф килгач, яна йиги бериб куръон ўқилган эди. Шу заҳоти ёшикда яна уч-тўрт нафар аёл кўринади. Ҳалиги холат яна тракорланади. Кун бўйи шундай. Аёзда оёқда тик турган азадорларнинг бир пиёла иссиқ чой ичишга, тамадди килишга вактлари, имкониятлари-кайда, дейсиз? Келди-кетдилар мисоли занжирдай уланиб бораверади. Қизлар қатор туриб кутиб олини

маса, яна урф-одатимизга тўғри келмайди. Лекин кун бўйи оёқда туриб, айтиб йиғлашнинг ўзи бўладими? Бунинг бир чорасини топиш керак.

Ахир ўлимдан бошка ҳамма дардга даво топса бўлади-ку. Ана ўшанда, балким бир-биримизга кўпам жабр қилиб кўймасдик. Жон опасингиллар, шуни бир ўйлаб кўрайлик.

ДОНОХОНДАЯ.

ҲАВАСИМ КЕЛДИ, УЛАРГА

РўПАРАДАН қизгин сухбатлашиб бир кўча аёллар келишарди... Кейинги пайтларда кўчамизга кириб борганимда уларни тез-тез учратадиган бўлиб қўлдим. Аввалига бирон бир маътрака ёки тўй-ҳашамдан қайтишапти шекилли, деб ўйлагандим. Кейинчалик эътибор кўлсал, ҳар пайшанба ва шанба кунлари шу ҳол. Ундан ташкири маътрака ёки тўйдан қайтаётган ўзбек аёлининг қўлида албатта лозимандаси бўлади. Буларнинг қўлида эса дафтар-қалам.

Кейин билсан, онам ва опокиарлар ёшидаги бу опахонлар савод чиқариши билан машгул эканлар... Ҳа — савод чиқарканлар. Ахир ҳеч кимга сир эмас, Туркистондек беадад худуддаги неча-неча ҳалқлар совет ҳокимишти йилларида ўз ёзувидан маҳрум этилиб, қайта-қайта савод чиқаришга маҳкум этилганлар...

Отамнинг айтишларича, менинг бувим саводхон эканлар. Жумхуритимизда лотинлаштириш бошланганда саводсиз бўлиб қолиб, қайта савод чиқаришга мажбур бўлган эканлар... Не азобда лотин алифбосини ўрганиб, энди савод чиқарганларидан рус алифбоси татбиқ этилиб. Бувим яна саводсиз бўлиб қолидилар. Кейин, минг ҳасрат билан яна савод чиқаришга тушиб, рус ҳарфларини ўрганишга киришибдилар. Лекин бола-чақа, рўзгор ташвишлари билан бўлиб, савод чиқара-олмабдилар...

Араб алифбосида Машраб, Ахмад Яссави, Фурқат асарларини ўқиб юрган бувим ўрганишга кетган ўйилларидан келган хатни ҳам ўқий олмай йиглаб ўтираканлар. «Бир авлод ҳаётидан алифбонинг икки бор ўзгартирилиши душманликдан бўлак нарса эмас... Бу ҳалқа қилинга ҳиёнат!» — дегучи эдилар, раҳматли отамлар.

Мана энди доруломон замонлар келапти. Одамлар ўзлигини таниб бораёттир. Бизнинг «Катта Қозиробод» маҳалламиз хотин-қизлар кенгаси ташаббуси билан бир неча хонадонда эски ўзбек ёзувидан савод чиқариш тўғараги ташкил этилди. Тўғаракка қатнашиш иҳтиёрий. Кимдаким эски ўзбек ёзувидан савод чиқаришни истаса дарс белгиланган куни дафтар қалам ва агар топса «Муаллими соний» китобини олиб, ўша хонадонга боради ва хонадон бекаси уларга ўз билганини ўргатади.

Тошкентдаги мадрасалар хузуридаги мактабда таълим олган Хури опа Расуловна билан Муяссар Рулем қизи қўлида сабоқ олаётган онахонларимиз аччагина саводхон бўлиб қолишибди. Бир кун ишдан қайтсан, онам эски ўзбек ёзувидачоп этилган ривояти шариллатиб ўқиятилар. Ҳайрон қўлдим. Кейин билсан, онам ҳам ўша аёллар даврасида эканлар.

Онахонларга ҳавасим келди. Юрек ютиб биз ёшлар қилмаган ишларга бел боғлашибди. Сабр-тоқатингизга балли.

Маъсуд ЗИЕХОН ўғли.



Мұхбір: — Тугал Ражабович, біз қозир ҳуқуқий давлат сары боряпмиз. Демек, қонун устивор бўлиши керак. Қонун устиворлиги Самарқанд вилоятіда қандай амалга оширилмоқда?

T. R. — Аввало ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари тұхтасак. Ҳуқуқий давлат қуришга киришар эканмиз, биринчи навбатда ҳаётнинг барча жабхаларидан қонуннинг устиворлигіни таъминлашимиз лозим, яғни ҳар бир киши жамият ҳаётида әгаллаб турған мавқеидан қатын назар фақат қонун олдида, масъул бўлмоғи керак. Давлат бошқарувининг негизи қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятидан иборат бўлади. Ҳуқуқий давлат олдида фуқаролар масъул бўлсалар, ўз навбатда давлат ҳам ўз фуқаролари учун жавобгардир. Бундан ташқари ҳуку-

минг сўм, кондитер фабрикасида 1 млн. 336 минг, Ховренко номли вино комбинатида 146 минг сўм камомадга йўл қўйилди. Умуман қайта ишлаш саноатида камомадлар ва молмulkни талон-торож қилиш туфайли 9 млн. 835 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббуси билан 3 млн. 132 минг сўм миқдоридаги зарарни ундириб олиш чоралари кўрилди.

Давлат ва жамоатчилик мулкими асараш қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ёмон ахволда. Ўтган йили 8 минг бошдан зиёд қорамол, ва қўй-эчкилар нобуд бўлди, харом ўлди, 22 минг бош эса мажбуран сўйиб юборилди. Қишлоқ ҳўжалигига талон-торож қилиш ва камомадлар туфайли етказилган зарар 587 минг сўмни ташкил қилди.

Озиқ-овқат саноати корхоналаридағи вазият бундан ҳам кескин. Бу ерда камомадлар ва талон-торож туфайли етказилган моддий зарар 10 миллион сўмга етиб борди. Биргина консерва комбинатида 496 тонна шакар қонунсиз ҳаракатга чиқариб юборилган. Вилоят прокуратураси комбинатда тафтиш ўтказиб, маҳсулотларни фонд бўйича таъминлаш интизоми қўлоz развиша бузилганини аниқлади, текширув материаллари юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Вилоят корхоналарида маҳсулот етказиб беришда давлат интизомини бузиш ҳоллари кенг тарқалган. Ўтган йилда корхоналар томонидан умумий

1991 йилда вилоят прокурор органларига фуқаролардан 6274 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шикоятлар ҳам вилоядта қонунчилик ахволини белгиловчи бир кўрсаткичидир, қонунчиликка риоя қилиш қониқарсиз бўлган жойда шикоят туғилади. Масалан, ўтган йилда кўп аризалар тергов ишлари устидан, меҳнат ҳуқуқлари чекланганлиги тўғрисида бўлди. Мен бу ўринда советободлик Сайёра Жамоловани мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Унинг туғруқхонада ўз ихтиёrim билан боламдан воз кечдим деган қалбаки аризасига кўра, боласини бошқа бирорга бериб юборганилар. С. Жамолова боласини олиб беришларини сўраб, кўп идораларга мурожаат қилган. Аввалига Советобод район ҳалқ суди Жамолованинг аризасини қўриб чиқиши рад қилди. Биз бу ариза қонуний равища қўриб чиқилиши учун керакли прокурорлик чораларини кўрдик. Лекин чиқарилган суд қарори С. Жамолованинг фойдасига бўлмади, бола онасига қайтариб берилмайдиган бўлди. Кейин вилоят суди бу фуқаролик ишини ўз тасаруфига олди ва С. Жамолованинг талаблари ҳақ эканлиги тасдиқланди. Ушбу фуқаролик иши шикоят тушганлиги муносабати билан ўрганиб чиқибиеспублика Олий Судида қўриб чиқилиб, тасдиқланди.

M: — Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар ҳаммамизнинг қалбимизда оғир из қолдирди. Самарқандда ҳам талабалар кўп. Бундай кўнгилсиз ҳол бўзда бўлмаслиги учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

T. R. — Талабаларга нисбатан «бала йиғламаса она сут бермайди» қабилида иш кўриладиган бўлиб қолганди. Талабалар яшайдиган ётоқхоналарда энг oddий шароитларнинг ҳам йўқлиги, бозор иқтисодиёти муаммолари уларни кўчага олиб чиқсан сабаблардан айримлари десам хато бўлмайди. Талабаларнинг яхши яшашлари ва ўқишилари учун шароитни яратиб беришига масъул мансабдор шахсларнинг ҳисоботи вилоят ижроя қўмитаси мажлисида тингланиб, олиб борилаётган иш қониқарсиз деб топилди. Ижроя қўмитаси томонидан талабалар ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни синчилаб ўрганувчи маҳсус комиссия тузилиди. Ҳодимларимиз ҳуқуқий тарбия ва қонунлар тарғиботи ишларини олиб боришлари учун талабалар ётоқхоналарида доимий бириктириб қўйилди.

M: — Бугун ҳамма жойда жиноятлар сони ўсиб бормоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, камайтириш чораларини топиш мумкинми?

T. R. — Жамиятимиз ҳаёти жуда соғлом деб айта олмаймиз. Қонунни менсимаслик, жиноятлар кўпайишнинг асосий манбаларидан бири десам хато бўлмайди. Демократия — нимани хоҳласа шуни қилиш, деб тушунадиган шахслар ҳам кам эмас. Интизомнинг дарз кетиши ҳам жиноятларни кўпайтирадиган мухитидир. Булатнинг ҳаммаси жиноятчиликда бевосита ўз аксини топмоқда.

Ўтган йили вилоят худудида 7245 та жиноят содир қилинди. Ёки жиноятчилик 2,3 фоизга кўпайди. Ҳусусан, босқинчилик ҳаракатлари 3,7 фоизга, шахсий мол-мўлки үғирлаш 5,3 фоизга, давлат ва жамоат мулкими талон-торож қилиш 10,8 фоизга, ўғрилик 21 фоизга кўпайди.

Лекин жиноятчиликни камайтириш, унинг олдини олиш мумкинми, деган саволга мен мумкин деб жавоб берган бўлур эдим. Жиноятчиликнинг туб илдизлари жамият ҳаётига, унинг паронкандалигига бориб тақалса-да, жиноятчиликни профилактика йўли билан олдини олиш мумкин. Бунинг учун фақат четдан кузатувчи бўлиб турниш эмас, бу соҳадаги тарқоқликни тугатиб, бирлашишимиз лозим. Ўз вақтида биз жиноятларни қонун асосида тергов қилиб, вайборларни топиб, олий судлов ихтиёрига беришда янгиасига ишлашимиз, ишимиз самара-сига эътибор беришимиз лозим.

Давлатимиз бизга катта ваколатни топширган экан, шу ваколатга суюниб кишилар ташвишини осон қилсан, максадимизга бир қадар эришган бўлардик.

Суҳбатдош: Ш. АКБАРОВ.



ЭСКИ ҚОЛИП ҚАЧОН СИНАДИ?

Бугунги кунда ҳалқ таълими ишини тубдан ўзгартиришга даъватлар кўп бўляпти. Чунки, билим пойdevori мустаҳкам бўлсагина замонага мос кадрлар етишади. Шу боисдан ҳалқ таълими ишини, мактаблар ишини қайта қўриб чиқиши фойдадан холи бўлмайди.

Кейинги пайтларда район ҳалқ таълими бўлмига шунчалик кўп штатлар берилди, уларни санаб саноғига етиш кийин бўлиб колди. Ишлаётган кишиларнинг сифат-таркиби эса мутлақо бугунги кун талабига жавоб бермайди. Методист ва инспекторларнинг на низоми бор, на дастури. Нима иш қилиши аниқ билишмайди. Ҳаммалари куруқ савлатга ўхшайди. Кўплари ўз лавозимларига номуносиб. Буни ўз районимизда қўриб билиб турбимиз.

Район ҳалқ таълими бўлими инспектор ва методистлари мактабларга бориб бирон янги методик таълимот беролганини эслай олмаймиз. Текширулар бир колипда — ўзбек тили, рус тили, математика фанларидан доимо ёзма иш олишади. Қенгашларда ҳам доимо бир хил масалалар мухокама қилинади. Бир текширувда «Октябрь 50 йиллиги» мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси педкабинет мудири X. Бозорова ёкмай колган экан. Август кенгашида шуни тақорротакрор айтиб роса эзмаланди. Ундан кўра шу куннинг руҳи, талаби сингдирган актуал масалаларни ўртага кўйса бўлмасмиди, дейиши ўқитувчилар. Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бўлади. Ҳозир миллий мактаб, миллий ўқитиши тизими ҳақидаги масала ўртада турбиди. Қани энди дехконбодлик методистлар ҳам бу мавзу устида бош котиришса.

Бунда ташкари, мактабларда ҳам бир талай штатлар борки, иктисолий танглик ҳукм суроётган бугунги кунда улардан ҳам воз кечиши мумкин. Дириектор ўринбосари, пионервожатий, лаборант, тўғарак раҳбари, котиба, устахона мудири сингари вазифалар шулар жумласидандир. Тўғрисини айтганда, шу штатлардаги кишилар ишламаса ҳам маош оляпти. Чунки, мактабларнинг кўпчилигига лаборатория, устахона кабиларнинг ўзи йўк.

Яна бир гапнинг мавриди келиб колди. Ўтган йил мартда район ҳалқ таълими аттестацион комиссияси менинг «методист-ўқитувчи» унвонимни яна тасдиқлаб берди. Ўша вактда ўқитувчи учун бу олий тоифа эди. Сентябрда ўқитувчиларни яна аттестациядан ўтказиши. «Методист-ўқитувчи» унвоним борлиги, Ўзбекистон ҳалқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланганим ва Республика матбуотида кенг ёритилган ҳамда аттестация учун бўлган имтиҳонларни «саъло»га топширганлигим учун мактаб аттестацион комиссияси менга олий тоифа берди. Лекин, Район Оданги бироркратлар иккинчи тоифа беришиди. Мен хайрон бўлиб юкори идораларга мурожаат килганим учун мени тазийк остига олиши. Нохия ҳалқ таълими бўлими мудири А. Ашурор Кашқадарё вилояти ҳалқ таълими бошкармасидаги ўз гапига кирадиган ҳодимларни олиб келиб, мени кайтакайта текширулардан ўтказа бошлади. Бир оддий кишлоқ ўқитувчиси билан район ҳалқ таълими бўлманинг бутун аппарати, колаверса вилоят ҳалқ таълимидаги мутасадди раҳбарлар узок курашиши. Ана биз ишонгани раҳбарларнинг дунёкараши. Тараккнётга гов бўлаётган, эски услубда иш кўраётган бироркрат раҳбарларга, жамиятга ортиқча юк бўлаётган тўраларга нисбатан Республика ҳалқ таълими вазирлиги тегишли чораларни кўради, деган умиддамиш.

Мусо ШЕРМАТОВ,
Кашқадарё вилоят, Дехқонбод
районидаги Улугбек номли
24-урта мактаб
методист-ўқитувчиси.



Биздан сұрағыз

Саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил Ҳасанов жағоб беради.

???

Болам уч ёшга түлгандан сүңг ишга тушаман, деб келсам маъмурият штат қисқаргани муносабати билан сизни ишга қўёлмаймиз деди. Шу тўғрими?

С. Болтаева, Тошкент шаҳри.

Хатингиз мазмунига қараганда сиз ҳомиладорлик ва туғиши таътили тамом бўлганидан сүңг уйда болани тарбиялаб ўтирганингизда маъмурият сиз ишлайдиган штатни қисқартирган ва бу ҳақда сизни огоҳлантирган. Амалдаги қоидага кўра бундай ҳолларда маъмуриятнинг ўз ташабbusи билан аёлни ишдан бўшатишига йўл қўйилмайди. (Корхона, ташкилот, муассаса тугатилиши бундан истисно). Борди-ю штат қисқариши юз берган бўлса, у ҳолда аёлни маъмурият албатта ишга жойлаштириши керак. Агар аёл муддатли ишда ишлаб ҳомиладорлик ва туғиши таътили вактида (бода З ёшга тўлгунга қадар) ишлаш муддати тугаган бўлса ҳам маъмурият уни иш билан таъминлаши лозим.

???

Ўзим ишлайдиган жамоа хўжалигидан тайёрлов савдо бирлашмасига талабномага кўчириш йўли билан ишга ўтдим. Талабномага асосан ўртача ойлик маошим тўлиқ сақланиб қолди. Бироқ, иш якунида бериладиган ўн учинчи маош берилмади. Ўзим ҳуқуқ маслаҳатчиси бўлсан ҳам шу масалани батафсилроқ билмоқчи эдим.

Ё. Бозоров, Самарқанд вилояти
Каттақўғон район, Кадан қишлоғи

Амалдаги қонунларда йиллик иш якунлари бўйича бериладиган мукофот корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимларига қўшимча, яъни асосий иш ҳақидан ташқари ҳақ сифатида 1965 йилдан жорий этилган.

Мазкур тармоқда уни тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги тавсиялар асосида вазирliklar, идоралар томонидан тегишли касаба уюшмаси қўмиталари билан биргаликда сабиқ иттифоқ. Давлат меҳнат қўмитаси ва ВЦСПС 1983 йил 8 июлдаги тавсияларини (хозир ҳам фойдаланиш мумкин) қўллаган ҳолда иш тутилади. Тавсияларга мувофиқ йилнинг иш якунлари бўйича бериладиган мукофот мазкур корхона, ташкилотнинг штатида (рўйхат составида) турувчи ишчиларга, раҳбар, инженер-техник ходимларга, хизматчиларга ва бошқа тоифадаги ходимларга тўланади. Бутун календарь йили давомида ишлаган ходимларга йиллик иш якуни бўйича бериладиган мукофот тўла миқдорда тўланади. Календарь йили давомида ишлаган ва йил якуни бўйича мукофот тўланадиган вақтига корхона, ташкилотдан бўшаб кетган кишилар бундай мукофотни олиш ҳуқуқига корхонада, ташкилотда ўрнатилган умумий тартиб ва муддатларда эга бўладилар.

Йиллик иш якунлари бўйича бериладиган мукофот, шунингдек узрли сабабларга кўра (муддатли ҳарбий хизматга қақириш, сайланниш бўйича лавозимда ишлаган ва ҳ. з.) календарь йили давомида тўлиқ ишламаган ходимларга ҳам тўланиши мумкин. Кўрсатилган мукофотнинг миқдорини белгилаш учун қоида тартибда корхона, ташкилотнинг барча тоифадаги ходимлари учун уларнинг узлуксиз меҳнат стажига қараб белгиланган шкала бўйича, ходимлар олган иш ҳақига мувофиқ ва узлуксиз меҳнат стажини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мукофот миқдори ходимларнинг шахсий меҳнат натижаларига қараб кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

???

Мен Намангандаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юргида ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлардим. 1966 йили Ленин ордени билан тақдирланганман, 1975 йилда «Ўзбекистон ҳунар-техника таълими аълочиси» нишонини олганман.

Яқинда мени нафақага кузатишди. Менга маъжаллий аҳамиятга молик нафақа тайинлаши. Шу тўғрими? Ахир Ленин ордени ҳукуматимизнинг энг олий мукофоти эди-ку! Менга шахсий нафақа белгиланмайдими?

М. Илесов, Наманган шаҳри.

Нафақалар ҳақидаги қонунга кўра шахсий нафақа ишчи-хизматчининг алоҳида хизматлари учун ҳукумат органлари томонидан тайинланади. Бунда ҳужжатлар орқали аниқлаш билан бирга иш жойидан берилган илтимосномалар кўриб чиқилади.

Нафақалар ҳақидаги Ўзбекистоннинг қонун қабул қилинганда шахсий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳақида маълумот бўлса ажаб эмас.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацииси кенгашининг қонун чиқариш ташабbusи ва ҳукуки мухофаза қилиш бўлими маслаҳатчиси О. Н. Заволунов жағоб беради.

???

Қишлоқ хўжалигидан касаллик ва ҳомиладорлик варақаларига ҳақ тўлашда баъзи бир муаммоларга дуч келмоқдамиз. Мисол учун қиши мавсуми давомида аёлларимизга иш бўлмайди. Шу даврда хотин-қизларнинг касаллик варақасига ҳай гарзда ҳақ тўлаш тўғрисида кенгроқ маълумот берсангиз?

Абдурашид Нурбоев,
Сирдарё вилояти,
Оқ олтин районидаги
«Фарғона» давлат хўжалигининг
нафақа ҳисобчиси.

гиш таътилига чиқиши)дан аввалги календарь йилида тўланган иш ҳақи асосида ҳисобланади.

Кунлик ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиши учун аввалги календарь йилда тўланган жаъми иш ҳақини ўша йилдаги календарь кунларига тақсимланади. Бунда ҳамма учун умумий қилиб белгиланган байрам кунлари, ҳафтанинг якшанба кунлари, жамоа ҳўжалиги берадиган маошли ва маошсиз таътил кунлари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик туфайли ишдан озод қилинган кунлар, ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари, болани парваришилаш учун, қисман маош тўланадиган таътиллар, шунингдек ҳўжалик маош тўлайдиган ҳарбий машқ ҳунчун чакирилган кунлар (сбор) ёки жамоат вазифаларини бажариш кунлари йиллик иш ҳақи тақсимланадиган календарь кунларига қўшилмайди.

Агар ходим узрли сабабларга кўра иш ҳақи олмаган бўлса, нафақа тариф ставкаси (лавозим маоши) ҳамда мукофотлар ойлик ўртача қиймати асосида ҳисоблаб чиқилади. Бунда район коэффициенти ва қўшимча ҳақлар жорий этилган жойларда ишлаганлик муносабати билан олинаётган шундай тўловлар тариф ставкасига қўшиб ҳисобланади.

???

Мен боғчада тарбиячи бўлиб ишлайдим. 1979 йилда ишга қабул қилиниб, 1983 йилгача ишладим. Кейин кетма-кет уч фарзанд кўриб, уларни тарбиялаб, катта қилдим. Шу сабаб ишлай олмай, фақат 1990 йилда яна ишга қайтдим. Мана шу ишламай фарзандларимни тарбиялаб ўтирган даврим иш стажига кирадими? Шу тўғрида аниқ маълумот бершингизни сўрайман.

Муяссар Толипова,
Тошкент вилояти,
Янгийўл райони.

Бола бир ярим ёшга тўлгунича уни парваришилаш учун бериллиб қисман ҳақ тўланадиган таътил вақти ва бола уч ёшга тўлгунича бериладиган — маош тўланмайдиган қўшимча таътил вақти ҳам умумий иш стажига, ҳам узлуксиз иш стажига, ҳам мутахассислик бўйича иш стажига қўшилади. (Асос: Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонулар мажмүйининг 194-моддаси).

Аёллар ёш болаларининг ҳар бири уч ёшга тўлгунича уларни парваришилаш учун уйда ўтирган вақт иш стажига қўшилади. Лекин бу муддат ҳаммаси бўлиб 6 йилдан ошиб кетмаслиги керак. (Асос: СССРда фуқароларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги СССР қонуни, 67-модда).

???

Мен 24 йил педагог бўлиб ишладим. Баъзи сабабларга кўра бир йилга ишдан кетдим: 1991 йил сентябрдан тағин ўқитувчи бўлиб ишлайдим. Ҳозир категория бўйича мутахассисман. Категория берадиганлардан сўрасам, бир йил стаж қолса мутахассис унвони берилади, дейшиди. Ваҳоланки, менга ўхшаб юрганларга 1—2 категория берилди. Буни қандай тушунса бўлади? Янги қонуларни ўқиб бу ҳақда ҳеч жавоб топа олмадим.

Қодир Раҳмонов,
ҚҚМР, Тўрткўл райони.

«Олий, биринчи, иккинчи тоифа мутахассиси» тоифалари учун белгиланган малака талабларига кўра, тегишли малака тоифаларини белгилаш учун бошқа талаблар билан бир қаторда олий ёки ўрта маҳсус маълумотга ҳамда мутахассислик бўйича етарли педагогик иш стажига эга бўлиш керак. (Асос: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги 1991 йил 31 июлда тасдиқлаган 87-01-55 сонли «Халқ таълими муассасалари ва ташкилотлари ходимларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги тавсиялар»).

Шу боисдан, педагоглик ишидаги бир йиллик танаффус аттестациядан ўтказмаслик учун асос бўлолмайди.

КОРЕЯНИ тоглар мамлакати деб аташади. Фақат түртдан бир қисми-гина пасттекисликлар ва текисликлардан иборат. Дарёлари жуда кўп, аммо кичик, улар асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Иқлими шимолида ўзгарувчан, кўп қисмida мўътадил, жанубида эса субтропик. Корея бир миллатли мамлакат бўлиб, аҳолисининг 99 фоиздан ортиги корейслардир.

“Қадимий маданиятга эга бўлган корейс ҳалқи ўз тарихида хитой, япон, мўғулbosқинчилари га жуда кўп марта дуц келди, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса икки қисмга — Жанубий Корея ва Корея Ҳалқ Демократик Республикаси тарзида ажралиб кетди. Лекин ҳар икки мамлакат ҳалқлари ягона бўлиб бирлашиш ва яшаш

Корея Бирлашган касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг таклифига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг делегацияси яқинда Корея Халқ Демократик Республикасига ташриф буюрди. Сафаримиздан кузатилган асосий мақсад Корея Бирлашган касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва келгусида бу алоқаларни ривожлантириш йўл-йўриқларини белгилашдан иборат эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, КХДР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида бундай алоқага биринчи марта имкон туғилди, ҳамдўстлик мамлакатлари доирасида ҳам ўзбек делегациясининг ташрифи дастлабки-сидир. Бу ҳам, таъбир жоиз бўлса, қўлга киритилган Республикамиз мустақиллигининг илк шарофати ва нисионаларидандир.

Тўққиз кун давом этган сафаримиз мобайнида биз Корея меҳнаткашларининг ҳаёти ва турмуш тарзи билан яқиндан танишдик, Корея Бирлашган касаба уюшмалари фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлдик, ушбу тизим раҳбарлари ва фаоллари билан самимий учрашувлардан, қизғин суҳбатлардан чуқур қониқиши ҳосил қилдик, тарихий ва маданий ёдгорликларни зиёрат қилдик. Бизнинг мазкур сафаримиз Ким Ир Сен таваллудининг 80 йиллигига тўғри келди, ана шу тантаналарда қатнашиш имконияти юзага келди.

Пхенъян шаҳрига етиб келишимиз биланоқ амалий фаолиятга киришиб кетдик. Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси кенгаши вакиллари-нинг Корея Бирлашган касаба ўюшмалари Марказий қўмитаси раҳбарлари билан мазмунли учрашуви бўлиб ўтди. Марказий қўмита раиси Вон Дон Гу Корея касаба ўюшмалари-нинг шу кунларда рўёбга чиқараётган ишлари, мағкуравий, техникавий, маданий инқилобларни амалга ошириш жараёнидаги мақсад, ҳамда вазифалари жақида кенг маълумот берди. Ўз навбатида делегациямиз аъзолари ҳам ҳозирги пайтда мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон-ning сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда рўй бертаётган ўзгаришлар ҳамда янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши жараёнида меҳнаткашларнинг турли қатламларини моддий, маънавий, ижтимоий ҳимоялаш бора-

БИЛДИМ УЧУН ТУРКИЯГА

Биз Туркияда бўлганимизда вожланган, кўзимизнинг олдида мамлакатдаги йигирма саккизта гурухимиздаги олимлар ҳакида дорилфунунинг фактатгина бит-электрон-хисоблаш машинастаси пуллик эканлигини билдик, дан сўраб кўришди. Бир зумда Бу Билкент дорилфунуни бўлиб, экранда улар томонидан ёзилган унда беш юз талаба билим ола-асарларнинг рўйхати катор бўди. Хар икки-уч ўқувчига бир либ чиқканда, барчамиз ҳая-ўқитувчи. Муаллимлар орасида жонланиб кетдик. Чунки бизда ер юзидағи энг кобилиятли, баъзан кутубхоналаримизда за-Нобель мукофоти соҳиблари рур китобни хафталаб кидишибор. Истисно тарикасида тала-га тўгри келади. Ана шундай ба ўта кобилиятли бўлса, бу ер-шаронт туфайли ҳам Билкент да бепул ўқийди.

Дорилфунуналарда бўлгани олимлари яратган бир янгилик мизда, уларда техник фанларга ни жаҳондаги энг илғор мамла эътиборнинг нихоятда кучли кат бўлган Япония сотиб олиб эканлигига гувоҳ бўлдик. Уларди. да хабардорлик нийоятда ри. Олий ўкув юртларига кабул

*кида касаба уюшмалари фаолияти
хақида сўзлаб бердилар.*

Маълум бўлишича, Корея Бирлашган касаба ўюшмалари сафларида ҳозирги пайтда 3 миллионга яқин аъзо бор. Бу — иш билан машғул аҳолининг 30 фоизинигина ташкил қиласди, холос. Ишлаб чиқаришда машғул бўлган ишли ва хизматчилар бошқа фирмалар, ёшлар ёхуд хотин-қизлар ташкилотларига аъзо бўлмаган тақдирдагина касаба ўюшмаларига аъзо бўлиб киришлари мумкин экан. Касаба ўюшмалари Марказий кийинласи

ба уюшмалари Марказий құмитаси раҳбарлари фирмә аъзолигида ҳам қолишлари мүмкін.

Демократик централизм принципи асосида ташкил топған ва фаолият күрсатаётган Корея касаба уюшмалари 9 та тармоқ ва 7 та ҳудудий касаба уюшмаларини бирлаштирган.

ниятлар яратиб берилди. Кишилар танишу нотаниш бўлишидан қатъий назар, қўлларини тушириб, бошларини эгиб, бир-бирларига салом бериб ўтадилар. Қатъий қарор топган бу шарқона удум биздаги кўксига қўл қўйиб саломлашиб ўтадиган кишиларимиз одатини ёдимиизга солди. Хона-донларда эса хонтахта атрофида чордона қуриб ўтиришлари ажлоқ-одоб ва турмуш тарзида қандайдир ўзига хос шарқона муштараклик мавжуд эканлигидан далолат эди.

Оддий ишли-хизматчиларнинг яшаш тарзи, турмуш шароити билан қизиқдик. Кўп қаватли бинолардан биррида истиқомат қилаётган ишли хонадонига ташриф буюрдик. Бизнинг ҳавасимизни келтирган дастлабки манзара бинолар олдидағи йўлакларнинг саришталиги, анвойи гуллардан

ди. Уларда ҳамма имкониятлар мавжуд, сув ҳавзалари, спорт инишотлари, түрли-туман тантаналар ўтказыладиган заллар бор. Синфлар компьютерлаширилган. Ўрта мактабни битириб чиқадиган йигит-қиз икки хил миллий мусиқа асбоби ҷалишни билиши ва компьютер техникасидан хабардор бўлиши шарт қилиб қўйилган. Барча мактаблар кишилар истиқомат қиласиган мавзелар орасига жойлашган.

Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг деярли қирқ йиллик тараққиёти давомида катта муваффақиятларни қўлга киритганигинг гувоҳи бўлдик. Буни деярли вайронадан бутунлай замонавий қиёфа касб этган Пхенъян манзарасида аниқ-равшан кўриш мумкин. Биз ерости қасри деб атайдиган метронинг миллий санъат анаъналари билан сайқал берилган безаклари ниҳоятда бетакрор ва ўзига хос эди.

Халқ ўқуви саройида 30 миллион нусхада турли-туман адабиётлар жамланган. Исталган мавзудаги адабиёт компьютерлаштирилган автомат линиялари ёрдамида бир зумда етказиб берилади. Кутубхонада етмиш киши зарур мавзудаги дунё адабиётини фактат корейс тилига таржима қилиш билан шуғулланади. Таниқли олимлар бу ерда жамоатчилик асосида сизни қизиқтирган мавзулар хусусида маслаҳатлар беради. Фан тармоқларига қараб алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган, масалан физик олим ёхуд кимёгар шу ернинг ўзида илмий тадқиқот олиб бориши учун барча зарур асбоб-ускуналарга эга.

Ватан озодлиги ва мұстақиллиги
үчүн жон фидо қылғанлар ва үмуман
марҳумлар алоҳида эъзоз ва ҳурмат
билин ёд этилишишининг гувоҳи бўлдик.
Уларниң хотирасига мемориал ин-
шоотлар ўрнатилган. Қабристонлар
ёшу кекса зиёратчилар билан ҳами-
ша гавжум.

Бир халқынг ҳудудий жиҳатдан иккига ажралиб кетиши йигирманчи асринг энг катта фожеаларидан биридир. Бу фожеани корейс халқи ўз бошидан кечирмоқда. Ҳозирги пайтда Жанубий ва Шимолий Кореяни баландлиги 5—8 метр, узунлиги 240 километрдан иборат темирбетон девор иккига ажратиб турибди. Девор ўт очиш ва кузатиш нуқталарига, бошқа кўплаб ҳарбий қурilmаларга эга. Бир миллатга мансуб халқынг бирлашиб орзусига биз ҳам хайрихомиз. Жанубий ва Шимолий Кореяни тинч йўл билан бирлашириш масалаларига бағишланган музокаралар ниҳоят ижобий натижалар билан якинланади, деган үмиддамиз.

Хуллас, кореялик ҳамкасларимиз билан бўлган учрашувлар самимий қечди. Якуний учрашувда касаба юшмалари фаоллари гуруҳларини доимий ўзаро айирбошлиш тўғрисида келишиб олинди. Тижорат соҳасида ва қўйша корхоналар барпо қилиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги таклифларимиз корейс биродарларимизга маъқул бўлди ва бу мақсадларни рўёбга чиқаришдаги истакларимиз ўзаро мос бўлиб тушди. Самарали ва ўзаро манфаатли алоқалар кенгайиб ва ранг-баранглашиб

килиш билан давлатнинг махсус миллион ўчишга кирувчидан лаймон Демирэл қабул килди. қабул кўмитаси шуғулланаркан, икки юз минг киши ана шу тар- У бизни Улугбек, Беруний, Ал- Унинг кўлига бутун мамлакатни тибда танлаб олинади. Элек-хоразмий, Аб-Али ибн Сино бирлаштириб турувчи ягона трон-ҳисоблаш машиналари си- юртидан келган азиз меҳмонлар электрон ҳисоблаш машиналари новлар пайтида хеч кимнинг га- деб бежад хурмат килди. Бир тизими берib кўйилган нига «кулок содмайсан». Унинг оғозини фарзандларни бўлгани

тизими берио куийлган. Киреш имтихонлари икки бос- га чинакам қобиляятли, кела- туркий халкларнинг бирлашиши кичда ўтказилади. Апрелда ўт- жакда мамлакатни ривожлан- бугунги тарихий заруратдир, казиладиган биринчи боскичда тиришга хисса кўша оладиган деди. Бош вазир Туркия Ўзбекистоннинг минг нафар фарзандардан икки юзтадан савол Электроника, техниканинг дини ўқитиб беришта карор килва уч соатдан муҳлат берилади. Энг замонавий соҳалари бўйича гаилигини айтди. Биз бунинг Жавоблар мамлакат пойтахтида иктидорли бўлган ёшлардан юз учун уларга чин қалдан минжамланади. Биринчи боскичдан кишига ер юзидағи хоҳлаган натдорчилик билдирилик, ўзбек ўтганлар иккинчи боскичда кат- ўкув юртларида билим олиш халки номидан эслалик совра- нашиш учун таклифнома олади- учун шароит яратиб берилади. дари тақдим этдик, лар. Иккинчи боскич энди тандаб олинган ихтисосдар бўйича, Уларнинг ўқиши билан борлик чукурлаштирилган тартибда ўт- бидан бўлади.

Мухторжон УМАРХУЖАЕВ,
Андижон тил муаллимлари
одиғроҳининг вактори

Ушбу сатрларнинг битилишига яқинда газеталардан бирида бо- силган «Тамерлан» «Наполеон»га карши — «Тамерлан» против «Наполеона» сарлавҳали мақола сабаб бўлди. Мақолага, корхона ходимларидан бир гурухининг ичимлик сифатини баҳолаш дегустация хонасида олинганд сурати ҳам илова қилинибди. Унда айтилишича Янгийўлдаги сизнинг вино-конъяк корхонагиз «Тамерлан» деб номланган қоњак тайёрлашга киришибди. Валюта хисобига Олмониёда шохона ёрликлар, Украинада эса сержил шишалар тайёрлаш учун буюртма берилиби.

Дунёдаги машхур маркали шарблар билан баҳслашадиган юкори навли ичимлик тайёрлашга кўл урганинг кувонарли. Зоро, юртимизда миллий мустақиллик, эркинлик шабадаси уфура бошлаган экан, ақл-заковатимиз, билим ва маҳоратимиз юзага чиқиб, ўз са-марасини беражаги табиий ҳол.

ҚИТМИРЛИКИ ЁКИ ГУМРОҲЛИК?

Янгийўл вино-конъяк заводи жамоаси диккатига

Аммо, янги маҳсулотингизнинг номланишига келганда, очиги, ўзбек миллатига мансуб оддий фуқаро сифатида ўзимни ҳакоратлангандек ҳис этдим. Бу нима, асрдан зиёд оёқ ости бўлган тарихимизга нисбатан атайлаб уюштирилган яна бир ҳакоратомуз китмирлики ёки шунчаки гумроҳлик?

Аввало, мақола сарлавҳасига чиқарилган тагдор қочириқ хусусида тўхтамокчиман. Тарихийлар нуктаи назаридан олганда, бу иккала саркарда бир-бирига қарама-карши бўлиши мумкин эмас. Негаки, Амир Темур 1336—1405 йиллар туркий уруғларни бирлаштириб, Ўрта Осиёда иқтисоди, маданияти юқсан, курдатли марказлашган давлат барпо этганида Наполеоннинг ўзи тугул 1769—1821 йиллар ота-бобоси ҳам ёруғ дунёга келмаганди. Демак, Темур канакасига Наполеонга карши бўлар экан? Уларнинг «карши»лиги тарихий эмас, балки мажозий маънода, дейишингиз мумкин. Яъни янги йўлларнинг шароби ўткирми ёки фарангларники, дегандай. Биз ҳам шундай тушундик. У ҳолда соҳиб-қироннинг номи ичимлик ёрлиғ килиб ёпиширилиши ўринли бўлармик? Айтмоқчимизки, маҳсулот сифат жиҳатдан машхур фаранг фирмаси тайёрлаган ичимлик билан бўйлаша олармик? Борди-ю, тенглашомаса иккى ўртада буюк бобомизнинг табаррук номини ерга уриб, руҳини безовта кильмаймизми? Устига устак кўрганимиздек, тирюн ичидан кир изловчиликлар «Наполеон» қайда «Тамерлан» қайда, қабилидаги кочирик билан соҳиб-қиронни ҳам, сиз — винопазларни ҳам масхара кильмайдиларми?

Пайтдан фойдаланиб, бир мудо-

ҳазани ўртага ташламоқчиман. Са-марқанд вино комбинати тайёрла-ётган маркали қоњак кўп йиллардан буён Республикадан ташқарида ҳам ўзига йўл очаяпти. Унинг номи — «Самарқанд». Сиз ҳам маҳсулотингизни оддийгина «Янги йўл» деб атасангиз қандай бўларкин. Зора, винопазларнинг маҳорати туфайли бу чоғрок шахар номи ҳам жаҳонга машхур бўлиб кетса.

Баланд дорга осилиб, маҳсулотингизни машхур давлат араби номи билан атамоқи бўлибсиз, унда нега айнан «Тамерлан» деб ёзилган. Маълумки, «Темурлан» форсчадан ағдарилганида «оқсоқ», «чўлоч» Темур деган маънони англатади. Манбаларда битилишича Темур йигитлик чогида камон ўқидан ўнг тиззаси яраланиб, оқсоқ бўлиб колган. Душманлари кейин орқаворотдан шундай лақаб қўйишган. Лекин ўша заминда бирор кишининг саркардани лакаби билан аташга ҳадди сифдимикин? Эҳти-

мол, лакаби борлигини соҳиб-қироннинг ўзи ҳам билмагандур? Оврўподаги ғанимлари ҳам бобомизнинг оти қолиб, лақабини илиб олишган. Тилларига мослаб «Тамерлан»га айлантиришган.

Холбуки, Темурнинг Осиё ва Оврўпони, хусусан 1395 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишни мағлуб этиб, Русни мўгуллар зулмидан куткаришдаги тарихий хизматини айрим виждонли рус олимлари ҳам эътироф этишишкоқда. Аммо бунақалар оз. Яхшиликка ёмонлик, деганларидек, баъзиларнинг кулликдан озод этган сиймога таъзим бажо келтириш ўрнига кишининг жисмоний нуқсонини пеш қилиб, масхаралашдан виждони кийналмаганига ҳайрон бўласан киши.

Эҳтимол, янги ичимликнинг ҳакоратомуз номда аталиб қолиши атайлаб эмас, балки корхона мутахассисларининг ўтмишимизни билмасликлари оқибатидир. Шу мулоҳазаларга кўра, ўқиб-ўрганнанларимиз асосида бобокалонимиз номи тарихига бироз тўхталдик. Ичимлик ёрликларини тайёрлашга киришиш босқичида бу хатони тузатиб «Соҳибқирон Темур», «Амир Темур», ёки оддийгина «Темур» деб аташ мумкин. Нима, ўтмишдошимизни ана шундай ўз номи билан тўғри атасак, Оврўподаги майхўрлар бу ўша машхур сиймо эканини англамайдими? Ўйлаймизки, Жўра Маърупов бошлиқ корхона жамоаси маънавий қадриятларимизни топтайдиган кўпол хатони тезор тузатиб чорасини кўради. Йўқса мустақилликка эришиб, ўзлигини англаётган ўзбек халқимиз ранжиб колиши мумкин.

Махмуд ЭРАЛИЕВ,
журналист.

ИЎҚОЛГАН

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўкув куроллари билан таъминлаш Республика Башшармасининг ўкув коллекторига мансуб ГТ-1 серияли 6772193 рақамдан то 6772200 рақамигача бўлган меҳнат дафтарчалари.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТУГАТИЛДИ

Халқ истеъмоли товарлари бўйича координацион инженерлик комплекси қошидаги «Координатор» ширкати фаолияти туғатилди.

Даъволар 1 ой ичидаги Ҳ. Олимжон майдони 13а уйда қабул қилинади.

АБИТУРИЕНТАР ДИККАТИГА

Каттақўргон шаҳридан 11-урта мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Иўлдошев олий ўкув юртларига киравчи абитетурентларни математика ва физика фанлари бўйича кириш имтиҳонларига тайёрлади.

Тайёрлов муддати 10 ой (1 сентябрдан 1 июлгача).

Мурожаат учун адрес: Каттақўргон шаҳар, Гоголь кўчаси, 4 уй, 24 квартира.

ИЎҚОЛГАН

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан 1979 йил 2 июнда Шавкат Рустамович Турсунов номига берилган ЕВ 245906 рақамили диплом қилинади.



ТАВСИЯ ЭТАДИ

ЖАЖЖИ КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН:

Хар бир кичкинтой самокат ва велосипедда мазза қилиб учишни орзу қилади. Уларнинг бу орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида дўконимиз бир неча турдаги самокат ва велосипедларни савдога кўйди. Шунингдек, кичкинтойлар учун бу ерда ўйинчоклар, митти тикув машинаси ҳамда болалар аравачаси, каравот ҳам бор.

Болалар каравоти боғчалар ва болалар муассасаларига накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ХОНАДОН БЕКАЛАРИ УЧУН:

Мева ва сабзавотларни консервалашда аскотадиган асоб ва ускуналар, това, электрқималагич, электрсамовар, «Фея» кир ювиш машинаси, 2 хил турдаги «Тула»газ плиталари, «Циклон» чангютгичи, пишириклар тайёрлаш учун қолип, кофени қайнатиш ва ичиш учун мўлжалланган идишлар, термос каби совғалардан бехад мамнун бўладилар.

ДАДАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН:

Доимо хўжалик юмушлари билан банд бўлувчи оталарнинг оғирини қисман бўлсада енгиллатиши мақсадида ошпичок, этикдўзлик пичоги, маҳсус нарвон, бинокорликда ишлатиладиган чўмич, пайвандлаш випремителларини харид этишини ҳамда пармалаш, металл ва ёрочга ишлов берувчи дастгоҳларни тавсия қилади.

Бу дастгоҳларни дўконимизга пул ўтказиш йўли билан ҳамда накд пудга олишингиз мумкин.

ОИЛА УЧУН:

«Сино» советгичи, газета ва журнал учун хонтахта, телевизор учун айланма таглик, қозонлар, гултувак турадиган осма тахталар, электрон сигнал курилмаси, телевизор учун «Олень» стабилизатори, турли хил ёритгичларни сотиб олишингиз мумкин.

АВТОМОТОҲАВАСҚОРЛАР УЧУН:

«ВАЗ» ва «Москвич» автомобиллари автоприцеплари, «Восход» мотоцикл, мотоколяска, «Восход», «Юпитер» мотоцикллари ҳамда «Муравей» моторёллари учун эҳтиёт қисмлари «Восход» двигатели, автомобил ўриндиклари ўстига солинб кўйилладиган юшок шолча, «ГАЗ-24» енгил автомашинасининг олдинги ўнг ва чап канотлари, «Москвич» автомашинаси учун шовқин пасайтиргичлар комплекти, тяга, сепление курилмаси, радиатор ва иситгич мавжуд.

ТИББИЕТ ХОДИМЛАРИ УЧУН:

Ошқозон-ичак касалликларини аниқлашда қўл келувчи «Гастро-дуодиеноскоп» аппарати.

ДАЛА-ХОВЛИ СОҲИБЛАРИ УЧУН:

Культиватор, мотокультиватор, дөри пуркагичлар тавсия этилади.

ФОТОҲАВАСҚОРЛАР УЧУН:

«Любитель» ҳамда «Эликон» фотоаппаратлари, фотообъектив, фотоконструкторлар, фотосурат чиқариш учун зарур ашёлар, тасвири катталашибириш курилмаси, диапроектор ва кинопроекторларни доимо дўконимиздан топишингиз мумкин.

СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват бўлишларида дўконимизда сотилаётган харилар, чамбарак, уқалаш воситалари, велопринтерлар, спорт-ўйин тўплами ва бошқа анжомлар кўмакдosh бўлади.

Бундан ташқари дўконимизда тикув, тўкув, кир ювиш машинкалари, чанг ютичларни, советгичлар, фотоаппаратлар кафолатли ҳамда пуллик ремонт килинади. Харид килинган маҳсулотларни харидор хоҳишига биноан уйларига элтиб берилади.

Дўконимиздаги барча маҳсулотлар биржа ёхуд савдо уйларидан оркали эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб келинади. Шу сабабли ҳам уларнинг нархи баъзи савдо шахобчаларидагига нисбатан арzon.

ДЎКОНИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!


Иш соатларимиз: соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 10-уй. Метронинг «Ойбек» бекати.

Октябр бозори, метронинг «Чор-су» бекати.



Шеърият



Мени оғдиради гүё ҳушимдан
Хаёлимдан ўтган бир гаплар.
Мен кўрқиб кетаман ҳатто тушимда:
Эшишиб колмасин миршаблар!

Биз қачон дунёда сирғалган йўлдан,
Қандай қилиб бўлганки содир:
Бизнинг қонимизда эркинлик ўлган,
Яшар қонимизда хавотир?

Бизга барча нарса дунёда мерос,
Хаётдаги бутун-бор ҳолат...
Қаерда юрибсан, инсонларга хос —

Оддийгина бир сўз:
Адолат!
Чўққилар томонга юргин, деб
Йўлга —
Канча қистамагин,
Силжимас ўлка!..

* * *

Сизни унуганим ўйк.
Яна ёмғир. Яна кор.
Дардли мангубир кўшик —
Ёбаётир беозор.

Муҳаббатга ўрганган
Юрак — ташна висолга.
Кор-ёмғирга бурканган,
Бурканганман хаёлга.

* * *

Менга бор нарса азиз,
Сизни дунёда таниб...
Қаерларда юрибсиз —
Кор-ёмғирга бурканиб!

Менинг шодликларим Сиздан.
Менинг қайгуларим Сиздан.
Менинг ўйғоқлигим Сиздан.
Менинг ўйқуларим Сиздан.

* * *

«Шоир бўлиш мумкин-ку, лекин
Оғир бўлиш керак, ҳархолда.
Собир бўлиш керак, ҳархолда.
Инсон борар манзилга секин!..»

Бу сўзларни аташиб олтин,
Тушуб кетди
Ҳамма сабрга...
Қалби-рухи
шоирдан олдин —
Аммо
кириб колди қабрга...

* * *

Бу — қандай манзара...
Аввал ўлдириб,
Милтиқ ўқтаганча,
Тиклаганча дор —
Кейин,
кўзёш тўкиб, ўйкни бўлдириб,
инсонга
Муҳаббат қилмоқлик изҳор?!

Афсус...
Шундай кечган бутун-бор тарих,
Бугун ҳам
Шу ҳолат
бўлмоқда такрор.
Инсон, мағурман, деб
Аслида, ғариб,
Инсон, эркинман, деб
ҳақиқатга зор!

Ахир,
оддий гап-ку
инсонни асраш,
Кўпроқ
тириклида
Унинг қадри бор.
Аммо
конуният сингари алдаш —
Милтиқ ўқтаганча,
Тиклаганча дор...

* * *

— Асли олти ярим.
Майли! Олти минг...
— Икки минг!
— Жуда кам...
— Икки минг беш юз!
— Дунёда озгина инсоф ҳам керак...
— Икки минг етти юз.
Бундан, тўғриси,
Оширишнинг энди ҳеч иложи ўйк!..

Кўпдан давом этар шундай бир савдо:
Қанча ўшга кирган
ҳозир Бухоро?!

Омон МУХТОРОВ.

Юрак ташна висолга

РИВОЯТ

Бу дунёда,
Келиб даҳшатли бир пайт,
Одамлар бўлганда ўзига локайд —
Юксак чўққилардан эниб пастликка,
Барча тушиб кетди
Бутпарастликка.

Кундан-кун
Колмади бирон остона,
Кўчами, бозорми, кўроатхона —
Ерга тўкилгандек шамолда тутлар,
Ҳаммаёқни
Босиб кетдилар
Бутлар.

Энди
Бу бутларни ўқотиш қийин,
Инсонни
уйқудан ўйғотиш қийин.

Яшайман худди бир дарё,
Тиниб баъзан, тошиб баъзан.
Менинг ланжликларим Сиздан.
Менинг туйгуларим Сиздан.

Севиш бир баҳт экан, аммо
Адашдим-гоҳ тушунмасдан.
Менинг зулматларим Сиздан.
Менинг ёғдуларим Сиздан.

Муҳаббат — телба бир олам.
Муҳаббат — телба бир қисмат.
Менинг тотли дамим Сиздан.
Менинг огуларим Сиздан.

Келиб кетди, наҳот, қўклам,
Киларми энди куз хизмат?!
Менинг армонларим Сиздан.
Менинг орзулаrim Сиздан...

Наврӯз оҳанилари

НАВРӮЗ КУНИДА

Наврӯзни қарши олди она юртим тупроғи,
Ҳиллиради жаҳонга Ўзбекистон байроғи.
Наврӯзим энди сени урмагай ўтли чақин,
Ўзбекнинг олтинига шайтон келмайди якин.
Қодирийлар сени деб, ўққа учди ул замон,
Усмон Носир сени деб, Магаданда берди жон.
Бугун шамол най чалар дараҳтлар бутогида,
Сен уларни ўйлайсан Сирдарёнинг боғида.
Бугун булат тегмокда азим тоғлар бошига,
Кўкатларни солмоқда келинчаклар ошига.
Туташгандир орзулар дарё оқкан томонга,
Бахшилар наврӯз завқин солмоқладир достонга.
Гўзалликнинг сочлари наврӯз билан таралган,
Аслида Ер Шаримиз наврӯз ойда яралган.

ҚЎШИҚ АЙТИБ КЕЛ

Ноз билан ухлаган баҳор уйғонди,
Тоғ бағрида нурга талпинди чечак.
Мужмал туйгулардан кўнгиллар тонди,
Бир қўшиқ айтишга ошиқди юрак,
Наврӯз қўшигини айт, дўстим, бугун.

Сирдарёга чопди тинмас ирмоқлар,
Бир инга лоладай тизилди кизлар.
Дуторни сайратди латиф бармоқлар,
Гүё раксга тушди кенг дала-тузлар,
Наврӯз қўшигини айт, дўстим, бугун.

Ўсма уруғини ерга сочди қиз,
Балки, ўйлаган қош қаролигини.


Сумалак пиширди мункайган Қирмиз,
Эслаб ёшлиқдаги барнолигини,
Наврӯз қўшигини айт, дўстим, бугун.

Ёшлиқ бу — доимо баҳорга ҳамдам
Ва гўзал ҳис билан айлаб қўяр масти.
Шодлик, умид рамзи бўлган бу қўклам,
Юракларга олов солғанлиги рост,
Наврӯз қўшигини айт, дўстим, бугун.

Нарх-наво юракни эзиб турса ҳам,
Наврӯзим олқишилар айтдим мен сенга.
Оидин кечаларда кўкка тикилсан,
Юлдузлар сен ҳакда куй тўкир менга,
Наврӯз қўшигини айт, дўстим, бугун.

ТУРНАЛАР

Ерии қор коплаганда
Согинганман овозин.
Толмангиз асло деб
Кузатганин парвозин.
Бугун куйим етмаган
Қўйдан учиди ўтдилар,
Булоқларнинг бошига
Бир-бир тушиб ўтдилар.
Баҳорий бир соғликини
Олиб тушарлар ерга.
Чопиб чиқар болалар
Турналар қўнган кирга.
Бир инга тизилгандай
Учарлар қатор-қатор.
Турналар қаинотида
Наврӯз қўшиклари бор.



ДЎМБИРАМ

Етакдаги нормини,
Чилвир сочли ёримни,
Ҳарна дилда боримни
Куйга солгин, дўмбирам.
Келган қайнин-қўнокдан,
Чўпонларга инокдан,
Қизич гулдай янокдан
Бўса олгин, дўмбирам.
Бугдой пишиб ёз қайтса,
Дон йигилиб, куз қайтса,
Момик қизлар сўз айтса,
Унаб қолгин, дўмбирам.
Келин тушар уй бўлса,
Улок чолар тўй бўлса,
Баҳор бўлса, куй бўлса,
Тунаб қолгин, дўмбирам.

Ҳамроқул РИЗО.

ДАСТАЛАР ТЎНГИЧИ

«ДИЛШОД» ҳалқ ансамблини
нинг яккахон хонандалари ва
созандалари Ваҳобжон Абдуллаев,
Йўлдошли Тиллабоев,
Маъруғжон Орипов, Машрабжон
Боқиев ва бошқалар ойна-жаҳон,
радио орқали сизга яхши таниш.
Улар жозибали қўшиқ-куйлари билан элга танилиб келишашти.
Еш санъаткорлар ижросидаги асарлар
граммопластинкаларга туширилган.
Ўзбекистон радиосининг фонотекасига киритилган.

Наманган вилоятининг деярлик ҳамма жойларида дастанинг ўз ихлосмандлари бор.

